Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 85 (20. 652) • 1990 йил 12 апрель, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси съездолди мунозарасининг бориши, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва КПСС Устави лойиҳаларининг муҳокамаси билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди. Партия ва жамиятдаги мунозара кенг доирадаги муаммоларга доир турлича фикрларни қиёслаш йўли билан қизғин ва самарали ўтаётганлиги, ана шу партия ҳужжатларини бойитиш учун кўп ва хилма-хил материал бераётганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга кўпгина коммунистлар, партия ташкилотлари КПССнинг баъзи аъзолари мунозарани амалий ўзандан фракциячилик кураши йўлига ўтказиб юборишга, партияда ажралишни келтириб чиқаришга зўр бериб уринаётганликларидан жиддий ташвишланмоқдалар. Ана шундай уринишларга баҳо бериш, партия сафларини жипслаштиришга даъват этиш зарурати туғилди.

КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети аъзолигига номзодлар, КПСС Марказий тафтиш комиссиясининг аъзолари билан келишилиб, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетларининг секретарлари фикрларини ҳисобга олиб, КПСС Марказий Комитетининг мамлакат барча коммунистларига «Принципиал негизда жипслашиш учун» очиқ хати тайёрланди, у матбуотда эълон қилинмоқда.

Кеча Москвада Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг XXI съезди очилди

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН БИРГАЛИКДА БОРАЙЛИК

М. С. ГОРБАЧЕВнинг ВЛКСМ XXI съезди делегатлари ҳузурида сўзлаган нутқи

Совет ёшлари қайта қуриш муваффақиятидан астойдил манфаатдордирлар. Ҳозир мулоқот пайти ва социалистик Ватаннинг келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган авлоднинг овози салмоқли ва нуфузли янграмоқда. Коммунистик партия ёшлар билан баб-баравар фикрлашишни таклиф этмоқда. 10 апрель куни Москвада СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ВЛКСМ XXI съезди делегатлари билан учрашди. У совет комсомолларининг кўп миллионли вакиллари ҳузурида нутқ сўзлади. Учрашувда В. А. Медведев, Г. П. Разумовский, А. Н. Гиренко, Ю. А. Манаенков, Е. С. Строев, Г. И. Усмонов, И. Т. Фролов иштирок этдилар.

* * *

Съезд делегатлари В. И. Ленин мавзолейига гулчамбар қўйдилар. Маросимда М. С. Горбачев қатнашди.

* * *

Сизларни самимий табриклайман, фаолиятингизда, комсомол ишларида муваффақият тилайман. Аммо шунга қарамай съезднинг ўзига муваффақият тилашни ҳозир биринчи ўринга қўяман. Съезд сизларгагина эмас, коммунистларга, бутун мамлакатга зарур, чунки гап ёш авлодимиз тўғрисида, ёшлар ҳаракати тўғрисида, унинг роли тўғрисида ва табиийки, ВЛКСМдек ёшлар сиёсий ташкилотининг тақдири ва ўрни тўғрисида бормоқда.

Шундай бўлдики, комсомол съезди В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллиги арафасида ўтмоқда. Социализмни барпо этишнинг Ленин давридан буён 65 йил ўтди. Бу йиллар давомида фожиали воқеалар кўп бўлди. Унда улуғвор жўшқинлик ҳам, истиқбол сари шижоат ҳам, орқага томон оғир чекинишлар ҳам, халқ ташаббуси жўшқинлиги ҳам узвий қўшилиб кетган. Ана шу ўн йилликлар мобайнида халқимиз эришган ғалабалар, чинакам, ҳақиқатан ҳам улкан зафарлар гулдуроси ва қатағон кийларининг қақшатқич руҳи, оғир жудоликлар, бой берилган имкониятлар алами қўшилиб кетди.

Тарихимиз юзага келтирган зиддиятлар совет жамиятининг бугунги турмушига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ундан чиқишни биз революцион қайта қуриш йўлларида қидиряпмиз. Бугунги кунда Ленин бизга қай тариқа ёрдам бериши мумкин, биз ундан нимани ўрганишимиз мумкин ва зарур? Ҳозирги вақтда матбуотда Ленининг мероси тўғрисида, революциямиз, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг тақдири тўғрисида масъулиятли фикрлашув авж олмоқда. Буларнинг ҳаммаси сиз билан биз учун муҳим ва мен буни табриклайман.

Шуни эътироф этиш керакки, ўтган ўн йилликлар онгимизда Ленининг маълум даражада соддалаштирилган қиёфасини, турмушнинг барча саволларига жавоб бера оладиган назариётчи, муайян мақсад сари ҳамиша дадил бора оладиган сиёсатчи қиёфасини шакллантирди. Ленин заковатининг, ленинча тактиканинг диалектик тадбиркорлиги, унинг ақидапарастлик ва волюнтаризмдан, авантюризм ва мулоҳазасиз зўрликдан нафратланиши, одатда эътибордан четда қолиб келди.

Ленинизмнинг жўшқинлиги зўравонликда эмас, балки бунёдкорликдадир. Ленин бизга гражданлар урушини эмас, балки гражданлар осойишталиги ғоясини, парокандликни эмас, бирдамликни васият қилди. У янги турмушни барпо этишда имкони борича кўпроқ кишилар, кейинчалик эса деярли барча меҳнаткашлар иштирок этишини орзу қилди. Социализм меҳнат аҳлининг жонли ва эркин ижоди эканлиги — ленинизмнинг асосий ғоясидир, ўртоқлар.

Бугунги кунда мамлакатимиз ва жамият ҳамма нарсадан кўра одамлар ва халқларнинг эркин, ихтиёрий, ўртоқларча жипслашувига муҳтождир. Октябрь сарос солган маънавий имкониятни тиклаш ва кўпайтириш йўли билан ягона оила туйғусини ҳосил қилиш мумкин. КПСС бундай жипслашишнинг кенг ҳаракат дастурини, инсонпарвар демократик социализм ҳаракат дастурини таклиф этади. Партия шу асосда халқнинг туб манфаатларини ҳақиқатан ҳам қадрловчи барча соғлом ижтимоий кучларни жипслашишга чорлайди.

Ҳақиқий Ленин кишини лол қолдирадиган даражада замонавийдир ва бунинг аксини гапирганларга ишонманг. Ўзингиз бунга ишонч ҳосил қилишга интилинг. Қайта қуриш зиддиятларида, ундаги жўшқинлик ва лоқайдликларда социализм тўғрисидаги бутун нуқтаи назарни тубдан ўзгартириш зарурлиги тўғрисидаги ленинча фикр тобора яққол намоён бўлмоқда. Биз Ленин асарларининг, айниқса ҳаётининг сўнгги йилларида ёзилган асарларининг моҳиятини чинакамига чуқур ўрганишимиз зарур. 1983 йилда Ленин туғилган кунда доклад қилиш менга топширилган эди ва мен айни ана шу асарларга мурожаат қилар эканман, Владимир Ильич социалистик революция, давлатимиз тақдиридан ғоят хавотирланганлигини ҳис этдим.

Ўйлайманки, биринчи галда меҳнат аҳлининг жамияти сифатида, демократик тузум, омманинг ижоди сифатида социализм тўғрисидаги, Советлар ҳокимияти, бошқарув аппаратини ўзгартириш тўғрисидаги, меҳнаткашларнинг ўз-ўзини бошқаруви ва меҳнат коллективлари ҳаракати бирлигини таъминловчи централизм тўғрисидаги, ўтиш даври иқтисодиётининг кўп укладлилиги ва унда мулк шаклларининг хилма-хиллиги тўғрисидаги, маданий кооператорлар тузуми ҳақидаги, план ва бозор, қатъий ҳисоб-китоб ва тежамкорлик тўғрисидаги, социализмда миллатлар, суверен совет республикалари федерацияси ҳақидаги, барча миллат ва элатларнинг тенглиги, кўп миллатли мамлакатда яшай олиш тўғрисидаги, инсоният яратган барча маданият бойликларидан баҳраманд бўлиш, социализм даврида маданиятни ривожлантириш ҳақидаги, жанг қилувчи эмас, балки бунёдкор, меҳнаткашларни бирлаштирувчи партия тўғрисидаги Ленин ғояларини чуқур ўрганиш талаб этилади.

Ленинизмдаги энг қимматли нарса — диалектика санъати, ўтиш, революцион даврнинг ғоят мураккаб ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, унинг объектив ва субъектив омилларини, ҳаракатлантирувчи кучларини англаш ва улардан фойдалана билишдир. Сизларни Ленин мероси ғоялари тажрибасининг ноёб бойликларидан баҳраманд бўлишга таклиф этаман.

Яна съездингиз тўғрисида гапирар эканман, сизлар маълум даражада аҳамияти жиҳатидан ўз ташкилотининг Москвадаги биринчи съездига тўпланган ва Коммунистик Ёшлар Союзига асос солган йигит ва қизлар ҳал этишига тўғри келган даражадаги вазифаларни ҳал этишларингиз кераклигини айтмоқчиман. Ушанда шов-шувлар, қизғин мунозаралар бўлиб, уларда «Ёшлар ҳаракати қандай бўлиши керак?» — деган саволга ёшлар билан биргаликда жавоб излаган партиянинг таниқли намояндалари иштирок этган эдилар. В. И. Ленининг шундан кейинги «Ёшлар союзларининг вазифалари» тўғрисидаги нутқи ҳам шунга бағишланган эди. Ушанда комсомолнинг дунёқарашига асос солинган, фаолиятининг асосий йўналиши танланган эди. Бугунги кунда эса ана шу мақсад ўзининг бор аҳамияти билан сақланиб қолган ёки қолмаганлигини, ташкилотингиз ўзининг бундан кейинги йўлини қандай дастурлар асосида қуришини аввало ўз-ўзимизга рўй-рост айтишимиз муҳимдир.

Бундан буён ишни қайси йўлдан ва қай тариқа олиб бориш керак? — Бу масала сизларгагина тааллуқли бўлмай, балки партия XXVIII съезднинг диққат марказида бўлади, уни бугунги кунда бутун жамиятимиз ҳал этади, пировардида эса ҳар бир совет кишиси ўзи учун ҳал этиши зарур. Сизлар бу ерга қизғин мунозаралардан кейин ўз ўртоқларингиздан топшириқлар олиб келдингиз, аминманки, баъзи делегатлар ўз нуқтаи назарини ҳозирдаёқ аниқлаб олган, бошқалар эса ҳали излашда. Демократиялаш ва ошкоралик одамларга эркинлик берди, уларга ижтимоий турмушнинг долзарб масалалари юзасидан ўз фикрини эркин ифодалаш имконини таъминлади. Матбуотда, йиғилишлар ва митингларда, аудиторияларда кўпинча турли нуқтаи назарлар муросасизлик билан қаттиқ тўқнашмоқда. Мана шу асосий саволга жавоб излашда ғоят кенг кўламда фикр билдирилмоқда. Зотан, ҳамиша шундай бўладики, жамият икки йўл ўртасида турган пайтда инқилобий ларзаларни бошидан кечиради. Бундай шароитда саросимага тушиб қолмаслик, йўлни танлашда янглишмаслик учун аввало даврнинг моҳиятини, воқеаларнинг боришини йўналтириб турадиган асосий хусусиятни, асосий тенденцияни англаб олиш зарур. Сўнгра эса ана шу дастлабки маррадан туриб биз ҳамма жойда ва ҳар куни дуч келадиган кўпгина бошқа, конкрет саволларга жавоб излаш ва топиш осон бўлади.

Агар жамиятимиз бошидан кечираётган ҳозирги паллага, босқичга ғоят қисқа таъриф берадиган бўлсак, менинг назаримда «бурилиш босқичи» деган тушунчадан яхшироқ таърифни топиш қийин. Ҳаммага — мамлакатимизда ҳам, дунёда ҳам совет жамияти бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш жараёнида турганлиги равшан. Демак, бурилиш босқичидамиз. Аммо бурилиш тушунчасининг ўзи рўй бераётган воқеаларга баҳо беришга биз қайси кўламда, қайси мезон билан ёндашувимизга қараб турлича ўлчовга эга. Бундай баҳога тарихий ўлчов билан ёндашадиган бўлсак, мамлакатимизда шу асрда иккинчи инқилоб амалга оширилаётганлигини айтишимиз лозим бўлади.

Биз бундан беш йил илгари шу йўлга кирган пайтимизда катта авлод кишиларигина эмас, шу билан бирга фикрловчи ёшлар ҳам бизда кўп нарса кўнгилдагидек эмаслигини, бундан буён бундай яшаб бўлмаслигини ҳис этган ва англаган эди. Эълон қилинаётган юксак принциплар билан турмушда рўй берган воқеалар ўртасида чуқур жарлик пайдо бўлди. Мамлакат тараққиётнинг деярли барча кўрсаткичлари жиҳатидан орқага чекиниб, ҳалокатли тезлик билан ўз мавқеини бой бера бошлади. Хусусан биз дастлаб ўз вазифамизни танг ҳолатлар кучайишини тўхтатиш, иқтисодиётни, фан ва техникани ривожлантиришни имкони борича жадаллаштиришдан иборат, деб билдик, партия ҳам вазифани шу тарзда ўртага қўйди. Аммо биз бу жараёнга киришганимиз сари, жамиятнинг оғир аҳволда эканлигини яхшироқ англаганимиз сари айрим камчиликларни тугатиш билан чекланиш мумкин эмаслиги, жамият организми барча бўгинларини тубдан янгилаш зарурлиги янада равшанроқ бўла бошлади. Ана шу фикр-мулоҳазалардан аста-секин қайта қуриш концепцияси юзага келди.

Мамлакатимизда қайта қуришни Марказий Комитетнинг 1985 йилги апрель Пленумидан бошланди, деб ҳисоблашади. Бу тўғри, лекин қайта қуриш сиёсатининг илдизлари давр талабига бориб тақалади, бу ўзгаришларни турмуш мантиқининг ўзи тақозо этди. Ўша пайтдан бери ўтган йиллар давомида партия XXVII съезди, XIX партия конференцияси, Марказий Комитетнинг сиёсатнинг туб масалаларига бағишланган Пленумлари, кўп ўн йилликлар мобайнида биринчи марта эркин сайлов, СССР халқ депутатларининг учта съезди, янги чақириқ Олий Советнинг сессиялари сингари муҳим воқеалар рўй берди. Олий Совет сессияларида Мулкчилик, Ер, Ижара тўғрисида ва бошқа кўпгина муҳим қонунлар қабул қилинди. Республикаларда ва жойларда яқинда ўтказилган сайлов Совет ҳокимиятининг янгиланган структурасини шакллантиришни якунлайди. Мамлакатнинг миллий-давлат тузумини ўзгартиришнинг янги, чинакам федератив асосдаги ҳуқуқий негизлари вужудга келтирилмоқда.

Биз қайта қуриш натижаларига кейинги йилларда халқаро муносабатларда рўй берган туб ўзгаришларни ҳам ҳисобга олиб баҳо беришимиз учун барча асосларга эгамиз. Биринчи галда бизнинг янги ташқи сиёсатимиз туфайли «совуқ уруш»га чек қўйилди, жаҳон ядро можароси ёқасидан четлатилди. Аниқ қуролсизланиш жараёни бошланди. Қўшинларимиз Афғонистондан олиб чиқиб кетилганлиги кўплаб совет кишилари учун айниқса сезиларли бўлди, деб ўйлайман. Бу ҳам мамлакат қайта қуриш йўлига ўтиб олганлигининг бевосита самараларидан биридир.

Биз ҳаммамиз гувоҳи ва бевосита иштирокчиси бўлган барча нарсаларга назар ташлайдиган бўлсак, саксоннинчи йилларга эҳтимол, жаҳон тарихидаги буюк бурилиш тўғри келди, деб айтиш мумкин. Аслида, халқимизга ва бутун инсониятга жуда катта имкониятлар берадиган янги давр юзага келмоқда. Мен илгари гапирган қўйидаги фикрни комсомол съезднинг делегатлари билан мана шу учрашувда такрорлашни муҳим деб ҳисоблайман: биз қандай мураккаб вазифаларни ҳал этишимизга тўғри келмасин, қанчалик қийин, кўпинча фожиали ҳолатларга дуч келмайлик, партия ва халқ бошлаган ишнинг тарихий кўлами тўғрисида унутмаслигимиз зарур. Акс ҳолда вазият, турмушимизнинг ночорлиги, тақчилликлар, юмушлар таъсирида йўлдан оғишимиз мумкин.

(Давоми иккинчи бетда).

ПРИНЦИПИАЛ НЕГИЗДА ЖИПСЛАШИШ УЧУН

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАМЛАКАТ КОММУНИСТЛАРИГА ОЧИҚ ХАТИ

Коммунист ўртоқлар!

КПСС XXVIII съезди арафасида жамиятда ва партияда юз бераётган мураккаб, зиддиятли жараёнлар бизни ушбу мактуб билан сизларга мурожаат қилишга ундамоқда.

Мамлакатда юз бераётган чуқур ўзгаришлар, мамлакат олдида пайдо бўлган муаммоларнинг ўткирлиги съездга алоҳида аҳамият бахш этади. Кўп нарса партия анжуманимиз қандай тайёрланишига, унга коммунистлар қандай кайфият, ғоявий фикрлар ва сиёсий фаоллик билан келишларига боғлиқ бўлади.

Ҳозир партия ташкилотларида, матбуотда съездолди мунозаралари авж олиб бормоқда, бу мунозараларга партия Марказий Комитети томонидан тайёрланган партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва партиянинг янги Устави лойиҳалари асос қилиб олинган.

Авторитар-бюрократик системадан қатъий воз кечиш, инсонпарвар, демократик социализмни, самарали планли-бозор иқтисодиётини, ҳуқуқий давлатни барпо этишни мақсад қилиб қўйиш, совет федерациясини янгилаш, халқ учун муносиб турмуш шароитини яратишни кўзлаш, «совуқ уруш»ни тугатиб, ресурсларни мамлакат фаровонлигига сарфлашга ўтиш имконини берадиган янги ташқи сиёсат — КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури лойиҳасидаги қайта қуришнинг моҳиятини ифодаловчи бу қоидалар партия ва халқни жипслаштириш учун яхши заминдир.

Кенг ва эркин мунозара давомида лойиҳалар қўллаб-қувватланмоқда, танқид қилинмоқда, баъзан эса жуда қаттиқ танқид қилинмоқда, тузатишлар, қўшимчалар, аниқликлар таклиф этилмоқда, муқобил вариантлар киритилмоқда. Ҳаракат дастури ва КПСС Уставини бойитишга хизмат қилиши мумкин бўлган ҳамма таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш ва таҳлил этиш юзасидан қизғин иш бормоқда.

Мунозара партия ва жамиятдаги мавжуд қарашлар ва позицияларнинг хилма-хиллигини акс эттирмоқда, одамларнинг ижтимоий-сиёсий соҳадаги кескинликдан, иқтисодиётдаги танглик ҳолларидан, миллатлараро негиздаги можаролардан, ажрамачилик тенденцияларидан, жиноятчиликнинг кўпайишидан, интизом ва тартибнинг бўшашиб кетишидан ташвишланаётганликларини кўрсатмоқда.

Бизда ошкоралик, демократия ва фикрлар эркинлиги шароитида сиёсий қарашлар ва позицияларнинг хилма-хиллиги мавжуд бўлиши қоидага айланиб қолди. КПСС ўзининг раҳбарлик роли қонун билан мустаҳкамланиб қўйилишидан воз кечиб, у ғояларнинг рўй-рост, ҳалол рақобатини ёқлаётганлигини амалда кўрсатди.

Шу билан бирга Марказий Комитет муайян шахсларнинг партияни у танлаб олган стратегик йўлдан четга чиқаришга, агар иложи бўлса, партияда ажралишни келтириб чиқаришга уринишларини эътиборга олмаслик мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

Бундай уринишлар ҳам ўнг, ҳам сўл томондан бўлмоқда. Бировлар қайта қуришда жамият ва партиянинг «либерал-буржуача ўзгариши»ни кўриб, уни рад этмоқдалар. Бошқалар социализмга қарши кучларга қўшилиб, Октябрь инқилобини фожиали хато деб эълон қилмоқдалар, капитализмни тиклашга даъват этмоқдалар. Миллатчилик, шовинистик кайфиятлар ва ажрамачилик муддаолари жиддий хавфга айланмоқда. Буларнинг ҳаммаси партияда муайян даражада акс этмоқда.

Коммунистлар кўпгина партия структураларида консерватизм, тафаккур ва ҳаракатлар ақидалари, одамлар билан мулоқот олиб бора билмаслик, уларни тинглай олмаслик ва тушунмаслик, уларга ёрдам қўлини чўзмаслик сақланиб қолаётганлигини ҳақли равишда таъкидламоқдалар. Буларнинг ҳаммаси партия учун катта зарар етказмоқда. Жамият тараққиётининг замонавий тенденцияларини, амалда чинакам демократияни, ошкоралиқни, инсонга асосий эътиборни қаратишни қарор топтириш эҳтиёжининг кучайиб бораётганлигини ҳисобга олмаслик — сиёсий ҳаётдан четга чиқиб қолиш демакдир. Сталинизм ва турғунлик меросидан узил-кесил воз кечиш — КПСС учун ҳаётий заруратдир.

КПССнинг бир қанча аъзолари қайта қуриш байроғи остида сохта радикал мавқеидан туриб, партияга қарши кураш бошлаганликлари ҳам катта ташвиш-туғдиради. Улар ўзларини «изчил демократлар», гўё туб ўзгаришларнинг бирдан-бир тарафдорлари деб эълон қилиб, КПССнинг ғоявий ва ташкилий негизларига ҳужум бошладилар, баъзилари эса тўғридан-тўғри Ленин ва ленинизмга қарши чиқмоқдалар. Шу муносабат билан «Демократик ҳаракат дастури» деб аталмиш дастур теварагига жипслашган кишиларнинг фаолияти эътиборни ўзига жалб қилмоқда.

Эслатиб ўтамиз: КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида муқобил лойиҳаларгача таклифлар киритиш тавсия этилади. Бинобарин партия аъзоларининг бир гуруҳи ўз қарашларини баён қилиб беришида ҳеч қандай ножўялик йўқ, албатта. Бунинг устига «Демократик ҳаракат дастури» матнида баён қилинган жамият ва партиядаги вазиятдан жиддий ташвишланишни, уни қатъиян ўзгартириш муддаосини тушуниш мумкин, ҳужжатнинг ўткир танқидий тусдалиги ҳам кўпларга маъқул бўлмоқда.

Бироқ «Демократик ҳаракат дастури»да аслида партиянинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишга амалий ҳисса қўшишга бироз бўлсада жиддий уриниш йўқ. Унда ҳозирги вақтда жамиятимизни ҳаяжонга солаётган принципиал масалаларга жавоблар, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, миллатлараро муносабатлар, ташқи сиёсий фаолиятга доир аниқ-равшан таклифлар йўқ.

Ўтмишга ва ҳозирги даврга берилган баҳоларнинг кескинлиги, бир қарашда қайта қуришга тағин ҳам ўткирроқ тус бериш муддаоси тақозо этган баландпарвоз шиорлар орқасида «Демократик ҳаракат дастури» муаллифларининг партиямизни фракциялар ва гуруҳларнинг тўла эркинлиги таъминланган қандайдир шаклсиз уюшмага айлантириш, яъни амалда партияни тарқатиб юбориш режалари яширинган.

Айни шу йўналишда кенг тарғиботчилик ва ташкилотчилик фаолияти авж олдириб юборилди. Тарафдорлар рўйхатга олинмоқда, марказда ва баъзи регионларда мувофиқлаштириш кенгашлари тузилган, жойларга вакиллар юборилмоқда. КПССдан мустақил бўлган моддий базани яратиш масаласи қўйилган. Бу эса партияни ичидан парчалаб юборишга, уни сиёсий майдондан четлаштиришга қаратилган йўлдир.

Асл моҳияти жиҳатидан партияга федерал структурани тиқиштиришга, коммунистларни миллий белгисига қараб ажратиб юборишга уринишлар ҳам худди шундай оқибатларга олиб боради.

Биз партиянинг парчаланиб кетишига қатъиян қаршимиз, биз партия сафларини жипслаштириш тарафдоримиз.

У ёки бу муаммоларни тушуниб етишдаги, қайта қуриш вазифаларини ўртага қўйишдаги тафовутлар, агар улар партиянинг ғоявий-назарий ва ташкилий асосларини рад этмаса, ҳар томонлама муҳокама қилиниши мумкин, лекин улар партиянинг парчаланиб кетишига мутлақо сабаб бўла олмайди. Съездолди мунозарасида фаол иштирок этиш, ўз қарашларини баён қилиб бериш, ҳимоя қилиш ва ўтказиш учун ҳар бир коммунистнинг барча имкониятлари бор. КПСС Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳалари ҳар қандай таклифлар ва қўшимчалар учун очиқдир. Фақат социалистик йўлимиз доирасида турли фикрларни оқилона бирлаштириш йўлида коммунистларнинг партия ва мамлакат келажагини белгилаб берадиган ягона ҳаракат дастурини яратиш мумкин.

КПСС Марказий Комитети партия ташкилотларининг эътиборини бутун съездолди мунозарасини кучайтириш, уни жамиятни янгилаш жараёнлари билан, амалий ишлар билан мустаҳкам боғлаш зарурлигига қаратади. Турлича ёндашувларни дадиллик билан қиёслаш, ҳар бир амалий ғояга авайлаб муносабатда бўлиш ва шу билан бирга ғоявий парокандалик ва ғоявий мужмалликка муросасозлик билан муносабатда бўлишга йўл қўймаслик керак. Коммунистлар замирида шахсий сиёсий нафсониятдан бошқа нарса бўлмаган баландпарвоз гаплар ва енгилтаклик билан берилган ваъдаларга берилиб кетишга йўл қўймасликлари керак.

Шундай пайт келдики, мунозаралар эркинлигига зарар етказмаган ҳолда, унинг амалий асосларини мустаҳкамлаб, ишни қатъият ва собитқадамлик билан партияни парчалаб юбориш сари олиб бораётган, КПСС ичида фракцияларни ташкилий жиҳатдан шакллантираётган, совет халқининг танлаб олган социалистик йўлини рад этаётган, ўз қарашлари ва хулқ-атвори билан ўзини ўзи партия қаторидан амалда чиқариб қўйган партия аъзоларига нисбатан қандай иш тутиш лозимлигини аниқлаб олиш зарур. Бундай кишилар КПСС сафларида қолиши мумкинми?

Бу масалани сиёсий тараққиёт мантиқининг ўзи қўймоқда, бинобарин уни коммунистлар, партия ташкилотлари ҳамда уларнинг комитетлари ҳал этишлари лозим.

Партияга қарши кураш йўлига ўтган кишилар билан орани очиқ қилиб олиш бу тозалаш, бошқача фикрлашни бостириш эмас. У фракцияча гуруҳларнинг ташкилотчиларига қарши қаратилган бўлиши лозим. Сохта инқилобий жумлаларга учган, жамиятда ва партияда юз бераётган жараёнларни англай олмаган коммунистларга келганда эса бу соҳада фақат бир нарса — чалғитилган ва иккиланаётган кишиларни партия сиёсатининг тўғрилигига ишонтиришга қодир бўлган тушунтириш ишларини кучайтириш зарур.

КПСС XXVIII съездигача уч ойдан камроқ вақт қолди. Кўпгина партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар, конференцияларга, умумпартия анжуманига номзодлар кўрсатиш бошланмоқда. Эътиқодли коммунистлар, ташаббускор, ижодкор, ахлоқий жиҳатдан мусаффо, партия, ўз халқи, социалистик Ватанимиз олдидаги, жамиятни инқилобий янгилаш тақдири учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган кишилар съездга делегат қилиб сайланишлари муҳимдир.

Биз — партия сафларини принципиал негизда жипслаштириш тарафдоримиз, қайта қуриш мақсадларини, инсонпарвар, демократик социализмнинг олий мақсадларини қадрлайдиган барча кишиларнинг мустаҳкам бирлиги тарафдоримиз.

Биз КПСС XXVIII съезди янгиланиш ва бунёдкорлик съезди, партия янги куч ва шижоат оладиган съезд бўлиши тарафдоримиз.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг янги шакллари

Республикаларнинг иқтисодий мустақилликка ўтиши, янгиланган совет федерацияси доирасида уларнинг мустақиллиги кенгайиши турмушнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларни талаб қилади. Шу сабабли ҳозирги пайтда ташқи иқтисодий фаолиятнинг янги шакллари, банк хизматини такомиллаштириш сифат жиҳатидан янги аҳамиятга эга бўлмоқда. 11 апрель куни Тошкентда очилган зона семинар-кенгашида шу ҳақда гап борди. Уни СССР ташқи иқтисодий банки Ўзбекистон ташқи иқтисодий банки ҳайъати билан биргаликда уюштирган.

Кенгаш ишида Ўрта Осиё республикалари, Арманистон, Грузиядан ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи министрликлар, идоралар, ташкилотлар ва корхоналарнинг вакиллари иштирок этмоқдалар.

Уч кун давом этадиган кенгаш чоғида ташқи иқтисодий фаолиятга банк хизматини ташкил этиш, чет мамлакатлар билан халқаро ҳисоб-китобни уюштириш ва ўтказиш масалалари муҳокама қилинади.

Манфаатдор ташкилотлар учун хорижий шериклари танлаш, улар билан ўзаро манфаатли битимлар тузиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилади.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. М. Орифжонов қатнашди.

(ЎзТАГ).

ШИМОЛДА ҲАМ БОШЛАНДИ

НУКУС. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Қорақалпоғистон автоном республикасининг колхоз ва совхозларида чигит, эртаки сабзавот, полиз экинлари, картошка экиш ишлари бошлаб юборилди.

Хўжайли районидаги Ленин номли колхознинг Оллоберган Ўтамуродов, Мадат Жуманов бошлиқ бригадаларида кунига 6—7 гектар майдонга барака уруғи қадалмоқда. Механизаторлардан Абдулла Болтабоев, Бекмурод Ўразимбетовлар чигит экишда олдинда бормоқдалар. Райондаги Калинин номли, Ҳамза номли, Энгельс номли колхозларда ҳам чигит экиш ишлари бошлаб юборилди.

Шунингдек, Автоном республиканинг Амударё, Элликқалъа, Тўрткўл, Беруний, Кегайли районларида ҳам дала ишлари авж олдириб юборилди.

М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Қайта қуриш йўли тўғрилигидан бир дақиқа бўлса ҳам шубҳаланишга асос йўқ. Бу йўл биз учун зарур. Уни қийинчиликлар билан халқнинг ўзи танлади ва у мамлакат учун ҳаётий заруратдир. Бутун фаолиятимизда амал қилишимиз зарур бўлган асосий фикр мана шундан иборат. Шу боисдан барча саволларга жавобларни ўтмишга қайтиб эмас, балки олға томон ҳаракат қилиб, қайта қуриш сиёсатидан воз кечмай, балки уни чуқурлаштириб, янада изчил ва қатъият билан амалга ошира бориб излаш даркор. Баъзилар бизни орқага қайтишга, бошқалар эса кўп ўйлаб ўтирмай ва ҳатто қаёққа бораётганимизни мулоҳаза ҳам қилмай, олға томон жадал ҳаракат қилишга ундаётганликлари учун бу ҳақда гапиряпман. Биз эса ўз сиёсатимизни амалга оширишда изчил, омилкор ва қатъиятли бўлишимиз зарур.

Ҳозирги пайтда қайта қуриш жараёнининг энг қийин босқичида эканлигимиз учун ҳам буни ёдда тутиш айниқса муҳимдир. Таъминотдаги жиддий узилишлар, умуман ижтимоий-иқтисодий муаммолардаги кескинлик, шу туфайли вақти-вақти билан рўй бераётган иш ташлашлар; этник асосдаги можаролар, ажрамачилик, марказдан қочиш тенденциялари; яхши ният билан бирга социализмга қарши турли ғоялар ҳам ўртага ташланадиган митингбозлик; жиноятчиликнинг кўпайиши, ижтимоий ахлоқ даражасининг пасайиши — буларнинг ҳаммаси бугунги турмушимизга хос кўринишлардир. Буларнинг ҳаммаси биз яшаб турган пайтда содир бўлаяпти, бироқ биз бунга шунчаки бардош беришимиз, гўё ҳамма нарса ўзўзидан йўлга тушади, яхши бўлади, деб кутиб ўтирмасдан, балки танг вазиятни тезроқ бартараф этиш, давлат кемасини мусаффо сувга олиб чиқиш учун бутун куч-ғайратни сарфлашимиз керак.

Сизларнинг иштирокингизсиз бу ишни амалга ошириб бўлмайди, азиз дўстлар. Комсомолларимиз, бутун совет ёшлари, мамлакат йигит ва қизлари мана шу барча ишларда жуда катта роль ўйнашлари мумкин ва зарур.

Биз бошдан кечираётган пайтнинг фожиаси нимада? Мамлакат мен айтиб ўтган бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш даврининг айни қизғин палласини бошидан кечирмоқда. Дарҳақиқат, иқтисодиётимизда чинакам муаллақ вазият ҳукмронлик қилмоқда. Эндиликда буйруқбозлик системаси амал қилмаяпти. Аммо иқтисодий омиллардан фойдаланишга, одамларнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини рағбатлантиришга, одамнинг барча ижодий имкониятларини намоён этишга асосланган янги система ҳам ҳали тўла-тўкис ишга солинмади. Сиёсий соҳада ҳам аҳвол шундай: партия ўзининг сиёсий авангардликдан иборат янги мавқеига мувофиқ ҳозирнинг ўзидаёқ хўжаликни оператив бошқаришдан, давлат турмушининг бошқа амалий масалаларини ҳал этишдан воз кечмоқда ва маълум даражада воз кечди, янги Советлар эса эндигина оёққа турмоқда, улар ўзларининг ҳокимиятни бошқариш ваколатларини ҳали тўла даражада ўзлаштирмадилар, нуфузли аппаратни билимдон кадрлар билан тўлиқ таъминламадилар. Ниҳоят, бунинг учун тўла ҳуқуқий асос бор — мен бунда биринчи навбатда Олий Совет кеча қабул қилган Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги қонунни назарда тутяпман.

Хуллас, бир системадан чиқдик, иккинчисига эса ҳали кирганимиз йўқ. Аслида ҳозир ижтимоий фаолиятнинг ҳамма соҳаларида ана шундай ўтиш ҳолати мавжуд. Бу қайта қуриш жараёнининг асосий ҳаракатга келтирувчи кучи вазифасини бажараётган ва айни пайтда ўзи ҳам қатъиян қайтадан қурилаётган, акс ҳолда унга етакчилик позицияларидан четга чиқиб қолиш хавф солиб турган партияга ҳам тааллуқлидир.

Энг муҳими — ҳозир бизнинг ҳаракат дастуримиз бор, бу дастур танлаб олинган йўлнинг асосий белгиларини, ижтимоий жараён бўлган қайта қуришнинг мақсадлари ва вазифаларини, янгиланаётган социалистик жамиятда партиянинг ролини аниқ кўрсатиб беради. Ҳаракат дастури коммунистлар, бутун халқ муҳокамасига қўйилган янги Устав лойиҳаси каби бир хил қутиб олингани йўқ, албатта. Кўпгина қўшимчалар, мулоҳазалар, асосли танқидлар айтилмоқда. Ана шу ҳужжатларни пухталаштириш, уларни партия съездининг ўзида муҳокама қилиш чоғида бу қўшимчалар, мулоҳазалар ва танқид тегишлича умумлаштирилади ва ҳисобга олинади.

Шу билан бирга, биз партияни танлаб олинган йўлдан четга чиқаришга, уни парчалаб юбориш хавфига дуч келдик. Бир томондан, қайта қуриш жараёни чуқурлашувидан қўрқаётган ёки ҳатто орқага қайтишга, Сталин давридаёқ таркиб топган ва ўтган ўн йилликлар давомида унча ўзгармаган турмуш шаклларига қайтишга даъват этаётган консерватив оқим вужудга келди. Бундай орқага қайтиш ҳалокатли бўлур эди, мамлакатни қайтадан тикланиш учун ҳар қандай имкониятдан маҳрум қилиб, уни орқада қолиб кетишга маҳкум этган бўлур эди. Мен бу ўринда орқага қайтиш олдинги тартибларнинг мажбурий қоидаларини: қатағонни, адолатсизликни, сон-саноқсиз қурбонларни, қашшоқликни сақлаб қолишни сўзсиз келтириб чиқариши ҳақида гапираётганим йўқ.

Биз мустаҳкам граждан-лик позициясида туришимиз учун орқага қайтиш нималарга олиб боришини кўра билишимиз лозим. Ишончим комилки, халқимиз, биринчи навбатда ёшлар мамлакатни ўтмишга қайтаришга, эришган эркинлигимиздан ажралишга уринишларни қатъиян рад этадилар.

Иккинчи томондан, жамиятга социалистик принципларидан воз кечишни, аслида 1917 йил октябридан кейин босиб ўтилган бутун йўлни хато деб тан олишни таклиф қилмоқдалар. Бундай қилиш тарихий тажрибамизнинг муҳим ижобий қисми бўлган ижтимоий ғалабаларимизни хавф остида қолдириш, ижтимоий тараққиётнинг кенг йўлидан четга чиқиш бўлур эди. Чунки кўпгина социалистик ғоялар ва қадриятлар ҳозирнинг ўзидаёқ XXI аср бўсағасида турган бутун инсоният турмушининг нормасига айланиб қолди ва тобора шундай нормага айланмоқда. Ҳозир ҳамма томондан тан олинганидек, бизнинг ижобий тажрибамизсиз ҳозирги замон цивилизацияси бутунлай бошқача тус олган бўлур эди.

Бундай қилиш оғир шароитда мамлакатни индустрлаш учун, замонавий фан ва техникани яратиш учун кураш олиб борган, урушнинг барча қийинчиликларини ўз зиммасига олиб, ғалаба қозонган ва Европа халқларига озодлик келтирган совет кишилари кекса авлоди хотирасига нисбатан сотқинлик бўлур эди.

Сизлар агар одамлар ҳатто ғоят консерватив ёки ўта сўл бўлган тақдирда ҳам ўз қарашларини баён қилсалар, бунинг нимаси хавфли, дейишларингиз мумкин. Ҳақиқатан ҳам биз ошкоралик ва фикрлар хилма-хиллигини қайта қуриш туфайли мамлакатимизда қарор топаётган демократиянинг мажбурий элементлари, деб ҳисоблаймиз. Бу эса, агар бизнинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган давлат ва ижтимоий тузумимиз принципларига зид бўлмаса, ҳар қандай қарашларни оммалаштириш имкониятини кўзда тутади.

Бироқ, гап шундаки, жамиятимизда пайдо бўлган анархиячилардан тортиб монархиячиларгача — сиёсий оқимлар (сиёсий фикрлар хилма-хиллиги ана шундай), турли миллатчилик ва шовинистлик қарашларнинг ваъзхонлари ҳокимият учун курашни тобора фаоллик билан авж олдирмоқдалар, бинобарин биз буни кўрмасликка, тегишли жавоб қилмасликка ҳаққимиз йўқ. Партия, Марказий Комитет ўз позициясини аниқ белгилаб олган. Ҳозирги босқичда бизнинг мақсадимиз — 1917 йил октябрида Ленин, большевиклар, халқ танлаб олган йўлдан воз кечиш эмас, балки социализмни инқилобий тусда янгилашдан иборат. Бизнинг мақсадимиз — энг аввало жамиятимизда эркинлик, ижтимоий адолат камроқ эмас, балки кўпроқ бўлиши учун мамлакатни тубдан янгилашдан, унинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий структурасини янгилашдан иборат. Партия ўз сафларини қайта қуриб, ўзининг асосий вазифасини — ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар, халқ зиёлилари манфаатларини ифодалаш, социалистик муддаолар ишлаб чиқувчи ва элтувчи партия вазифасини сақлаб қолиши лозим. Бизнинг мақсадимиз ана шундай, биз ана шу мақсад билан партиянинг навбатдаги съездига бормоқдамиз. Бундай йўл-йўриқ съезд ишида ҳам устун келишига ишонаман.

Комсомол қандай ғоявий-сиёсий йўлни танлаб олишига биз жуда катта аҳамият берамиз, албатта. Ёшлар ташкилотимиз Октябрдан кейинги бутун давр мобайнида партиянинг ёшлар орасидаги таянчи бўлиб келди. Партия билан комсомол ўртасидаги муносабатлар тарихи бир хил эмас. Бундай муносабатлар ўтмишда авторитар-бюрократик система руҳига мувофиқ қурилди. Комсомол ташкилотларини партиянинг бир қисми деб ҳисоблаб келдилар, улар кўп жиҳатдан реал мустақилликдан маҳрум этилган эди. Бу муносабатларнинг ҳаммаси ўтмишга айланиши керак ва ҳозирнинг ўзидаёқ кўп даражада бартараф этилди. Лекин, ўртоқлар, съездингиз танлаб оладиган ғоявий-сиёсий йўлнинг аҳамияти шу қадар кўп ошиб бормоқда. Комсомол ўз вазифасини унутмайди, бундан буён ҳам партия билан ёнма-ён, партия билан бирга боради, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

Инсонпарвар, демократик социализм — бу энг муносиб мақсадки, уни амалга ошириш ёш авлоднинг ҳаёт ишига, унинг мамлакат ва халқ бахт-саодати йўлидаги инқилобий ишига айланиши лозим.

Эндиликда бир асосий муаммога тўхталмоқчиман, комсомолнинг ва бутун мамлакатнинг келажаги шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқ. Ёшларимиз ўзларини сохта пайғамбарлар эргаштириб кетишларига йўл қўймасликларини, уларнинг ҳаётига путур етказиб, мамлакатимизни қулфат тўфонига соладиган чиройли гапларга учмасликларини мен ғоят муҳим, деб ҳисоблайман. Ҳозир мен миллатчилик иблиси деб аташ мумкин бўлган нарса тўғрисида гапирмоқдаман.

Олдинданоқ миллийликни миллатчиликдан аниқ ажратиб олишни истардим. Биринчисига ҳар бир миллатнинг ўзига хослигини, тилини, анъаналарини, турмуш тарзини, тарихий хотираларини сақлаб қолишга бўлган қонуний, адолатли интилиши тааллуқлидир. Шуларнинг барчасисиз инсон миллий ўзлигини —ҳис қилишдан маҳрум бўлади, шўра ўтга ўхшаб қолади. Ҳозир биздаги миллатлараро муносабатлар соҳасида юз бераётган ходисаларга баҳо беришдан ўзимни тийиб, яна шуни айтишим мумкинки, партиямиз, давлат ҳокимияти органлари ва Президент сифатида мен совет федерациясини тубдан ўзгартириш йўлларида барча халқларимизнинг энг муҳим эҳтиёжларини қондиришни олдимизда турган асосий вазифалардан бири деб ҳисоблаймиз.

Миллатчиликка келсак, бу бутунлай бошқа гап. Мен уни қисқача шундай таърифлаган бўлардим: бу — бошқа халқларнинг манфаатларини ҳисобга олмай ёки ҳатто унга зарар келтириб бўлсада, ўз миллатининг устунлигини таъминлашга, унинг манфаатларинигина қондиришга интилишдир. Шуниси аниқки, айрим кишилардаги миллатчилик бошқа кишиларда фақат миллатчилик руҳини уйғотади. Биз сиз билан ҳозир шу тезисни тасдиқловчи жонли мисолларни биламиз. Ўзига бўлган нафратни кўриб кўпроқ нафратланиш ва бу орқали ўзгалар нафратини ҳам кучайтиришдек сеҳрланган доирага тушиб қолиш юз беради, бу доирадан чиқиб олиш эса ниҳоятда мушкул. Биз ҳозирги турмушимизда буни ҳам кўриб турибмиз.

Миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишидаги, айниқса агар у ёш авлод онгини қамраб олса, даҳшатлидир. Бу — қовжиратиб юборадиган ва кўзларни кўр қилиб қўйдиган ҳиссиётдир. Шунинг учун ҳам комсомолда у бошидан кечириши мумкин бўлган ҳар қандай ташкилий ўзгаришлар юз берганда ҳам унинг келажакдаги тузилиши ва программаси хусусида ҳар қандай қарорлар қабул қилинганда ҳам, бу ташкилотнинг мавжуд бўлиш шарти сифатида ва ҳатто кўп миллатли давлатимизнинг сақланиб қолиши шарти сифатида байналмилаллик принципи ниҳоятда зарур.

Маркс ва Энгельс «Коммунистик партия манифести»да эълон қилган шу буюк ғоя хусусида айтилаётган бемаъни айбловларни рад этиш лозим. Мен байналмилаллик гўёки миллатларни ютиб юборишни, уларни ягона «пролетар қозони»да аралаштириб, эритиб юборади, деган гапларни назарда тутяпман. Назариётчиларимиз яқин ўтмишда бунинг учун баҳона топиб беришарди. Қолаверса амалда ҳам авторитар-бюрократик система ҳамма жойда, байналмилалликнинг чинакам мазмунини сохталаштирар, барчани бир қолипга солишга, миллатларнинг қўшилиб кетишини тезлаштиришга уринар, бутун-бутун халқларга нисбатан адолатсизлик қилинишига йўл қўярди.

Буларнинг ҳаммаси бўлган, лекин бу барча халқларимизнинг кўп йиллик меҳнати натижаси сифатида вужудга келган улкан олижаноб бойлигимизга путур етказа олмайди. Миллатлар ўзини-ўзи бошқариш, мустақиллиги, ўзига хослигининг сақланиб қолиниши зарурлигини сира инкор этмайдиган байналмилаллик ғоясининг аҳамиятини ҳам камсита олмайди. Мазкур ғоянинг ҳаётийлигини бугун ҳам Европа, ҳам бутун жаҳон тажрибаси исботламоқда. Чунки инсоният, гарчи босқичма-босқич бўлсада, турли тўсиқларни енгиб ўтиб, иқтисодий, маданий, сиёсий ва оддий инсоний алоқаларни тобора кенгроқ ривожлантириш томон оғишмай ҳаракат қилмоқда. Озод миллатлар ўзлигини сақлаб қолиб, ягона инсоният оиласида тобора кўпроқ бирлашмоқдалар.

Келинглар, жаҳон цивилизациясининг бутун тараққиёти бораётган йўналишга тескари йўналишда вақтинча ҳам ҳаракат қилмаслик учун буни ҳеч қачон унутмайлик. Шундай хавфнинг борлиги эса аён, бу хусусдаги фактлар ўзингизга маълум. Халқларимиз дўстлигини тўла тиклаш ва ривожлантиришга интилишни ёш авлоднинг асосий мақсади қилиб қўйиллик, балки бу, комсомолни янгилашдаги асосий вазифалардан бири ва бундай янгилаш қай даражада муваффақиятли амалга оширилишини белгилаб берадиган чинакам синов бўлиши лозимдир.

Ҳозир ҳаммамизни биринчи навбатда ташвишга солаётган масалага қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Бу — қандай қилиб яқин вақт ичидаёқ иқтисодиётдаги, одамларнинг турмуш шароитидаги вазиятни яхшилаш, халқнинг, айниқса даромади кам бўлган кишиларнинг аҳволини енгиллатиш, истеъмол бозоридаги вазиятни яхшилаш, жамият турмуши бутун муҳитини заҳарлаётган, одамларни йўлдан ураётган тақчилликни қисман бўлсада, тугатиш масаласидир. Вазиятни таҳлил қилиб чиқиб, биз иқтисодий ислоҳот ўтказишни тезлаштириш, бу йўналишда 1992-93 йилларда ўтказиш мўлжалланаётган асосий тадбирларни шу йили ва келаси йилнинг бошларидаёқ амалга ошириш зарур, деган хулосага келдик.

Президент ва Президентлик Кенгаши иқтисодиётдаги ўзгартишларга янги жўшқинлик бахш этадиган ва аввало Олий Совет қабул қилган фундаментал қонунлар асосида хўжалик юритишнинг янги принциплари самарали амалга оширилишини таъминлайдиган бир қанча тадбирларни қабул қилиш учун яқин вақт ичида давлат бошлиғи ваколатларидан фойдаланиш ниятида.

Шошма-шошарлик қилмаймиз. Бу масала хусусида аниқ фикр билдиришдан ўзимни тийиб, фақат шуни айтаманки, шанба куни Президентлик Кенгаши билан федерация кенгашининг қўшма мажлиси бўлади. Унда Совет ҳукуматининг шу хусусдаги таклифларини кўриб чиқиш режалаштирилган. Дастлаб ечимини танлаб олиш, кейин эса халқ муҳокамасига қўйиш лозим. Лекин вазият фараз қилиш имконини берди, булар ғоят мушкул, лекин зарур қарорлар бўлиши керак ва ишни бундан буён қандай олиб бориш масаласи юзасидан миллий келишувга эришишимиз талаб қилинади.

Олдинда ғоят масъулиятли вазифа турибди, лекин оммавий ахборот воситаларида ҳозирнинг ўзидаёқ бир талай тахминлар ва башоратлар пайдо бўлди. Айрим журналистлар, матбуот органлари яқинда бўладиган мажлисларнинг якунларини кутишга сабрлари чидамай, шов-шув кўтаришяпти, сал бўлмаса иқтисодий ўзгартишларни радикаллаштириш йўлига ўтишга даъват этишяпти.

Ҳайратланарли томони шуки, биз гоҳ ислоҳотларнинг суст бораётганлигини, журъатсизликни, чалакам-чаттликни жаҳл билан танқид қиламиз, уларни тезлаштиришга зўр бериб даъват этамиз, гоҳида эса ўйламасдан, ҳатто уларни жадаллаштириш хусусидаги таклифлар билан танишиб чиқмасдан, «Но пасаран!» (ўтмайди) деб бор овозимиз билан қичқирамиз.

Буларнинг ҳаммаси турмушимиздаги, қайта қуриш жараёнидаги бор гаплар. Сиз бу хусусда куч-ғайрат тўлиб-тошадиган комсомол ёшида мумкин бўладиган даражада мулоҳазали бўлишингиз лозим. Ҳозир замон шунақа, ёшлар иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш режаларини амалга оширадиган «зарбдор бригада» бўлиши керак. Сусткашлик мамлакатдаги вазиятни кескинлаштиряпти, биз бир йўлни танлашимиз ва шу йўлдан қатъият билан боришимиз даркор.

Ёшларнинг, албатта, ўз ҳаётий мақсадлари ва эҳтиёжлари бор. Ёшлар муаммолари ҳозир бутун мураккаблиги билан ошкор бўлиб, гўё бир йўла тошиб чиқди. Улар жамиятнинг бутун диққат-эътиборини ўзига қаратди, айни қайта қуриш ёш авлоднинг кескинлашиб кетган муаммоларига иш билан кечиктирмай жавоб бериш заруратини намоён этди. Аввало, давлатнинг ёшларга доир яхлит сиёсатини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш зарур. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидаёқ шундай қарорга келинган эди. Шу кунларда СССР Олий Совети бундай сиёсатнинг умумий асосларини қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқмоқда — бу хусусдаги қонун лойиҳаси, менга айтишларича, кеча биринчи муҳокамада қабул қилинди.

Авж олган муҳокама давомида ёшлар тўғрисидаги махсус қонун ҳужжатларининг мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида хилма-хил, шу жумладан салбий қарашлар билдирилмоқда. Дарҳақиқат, ҳамма нарсани навбатдаги концепцияни ишлаб чиқишга, марказда қарорлар қабул қилиниши ёки миллиардлаб сўмлик афсонавий маблағ ажратиш тўғрисидаги мулоҳаза юритишга айлантиришдан фойда йўқ. Асосийси, менимча, бутун жамиятда ёшлар тўғрисида реал ғамхўрлик қилиниши томон қатъий бурилиш ясалишига эришиш, ёшларнинг умумсиёсий ва ижтимоий жараёнларда тенг ҳуқуқ билан иштирок этишига кафолат беришдир. Бизда бундай бўлмаган, бунинг устига, бугун биз айтишимиз мумкинки, ёшлар хусусий мулкдан ҳам, ишлаб чиқаришдан ҳам, эҳтимол ҳокиматдан ҳам ва қандайдир даражада маданиятдан ҳам жамиятнинг бошқа қатламларига нисбатан қўпроқ бегоналаштирилиб қўйилган.

Истиқболни ҳисобга олиб, иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан ёшларнинг манфаатларини амалга ошириш учун шароит яратиш, ўзгариб турган иқтисодий муносабатлар шароитида уларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза этиш муҳимдир. Давлат ва жамият ёшларга аввало улар ҳаётда дастлабки қадамларни қўяётган пайтда мададкор бўлиши лозим. Лекин инсоннинг жамиятдаги ўрни шунчаки унинг ёши билан эмас, балки қобилиятлари, билим даражаси, малакаси, ишга муносабати билан белгиланиши керак. Бу қандайдир имтиёз бўлмаслиги даркор.

Ёшларнинг жамият турмушида тўла иштирок этишлари сиёсий жиҳатдан қоидага айланиши лозим. Лекин шуни айтишим керакки, энг яхши қонунлар, демократия, ошкоралик — бу ҳали мақсадга эришиш учун кафолат эмас. Кўп нарса сизларнинг позициянгиз ва фаоллигингизга боғлиқдир. Ўтган сайлов кампанияларини тахлил қилиб, сизларнинг ҳам, бизнинг ҳам умидларимиз оқланмаганлигини тан олиш керак. Бу партиянинг ёш авлодга доир фаолиятидаги камчиликлардан ҳам, ёшларнинг ўзининг муайян қисмидаги заифлик ва ғўрликдан ҳам далолат беради. Баъзилар ҳозирча митинглардан нари ўтишолмади. Митинглар уюштиришнинг машқини олишди-ю, лекин сиёсий жараёнда иштирок этиш санъатини ҳали ўрганишмади.

Партия ва бутун жамият учун ёшларни сиёсий фаолиятнинг хилватгоҳларида ушлаб туришдан маъно йўқ. Бу мамлакат учун қулфат халос ва биз муайян босқичларда бунинг қандай бўлганини ҳамда нима билан тугаганини биламиз. Ҳокимият барча бўғинларининг, аппаратнинг қариши, куч-ғайратдан маҳрум бўлиш, консерватизм, жамият тараққиётига путур етиши билан тугаган эди.

Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш йигит ва қизларнинг ўз гражданлик бурчларини ҳалол бажаришларидан ажралмасдир. Жонли диалектик алоқа ана шундай ва ёшлар ҳаракатида мамлакатни янгилашдан иборат инқилобий жараённинг чинакам онгли ижодкорлари фақат шу йўсинда тарбияланиши мумкин.

Ижтимоий планда жамиятдаги бутун муҳит, давлат сиёсати ёш авлод ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга, бу имкониятларни ўстириш ва кўпайтиришга ёрдам бериши керак. Бу ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасига, халқ таълими системасига, фан ва маданиятга ҳам баб-баравар тааллуқлидир. Ҳаражатлар орасида таълим ва маданиятга сарфланадиганидан кўра кўпроқ самара берадигани йўқ. Биз буни аллақачон тушуниб олдик, лекин бу тушунча конкрет қарорларда ҳали чинакамига ўз аксини топгани йўқ. Мамлакат йигит ва қизлари ҳаётга тайёргарлик кўриб қўшилишлари учун шароитлар яратишда дастлабки қадамлар қўйилди, холос. Бу соҳада муаммолар кўп ва улар фақат молиявий муаммолар эмас. Буларнинг ҳаммаси — давлатнинг, лекин шу билан бирга комсомолнинг ҳам вазифаси ва ташвишидир.

Қадрли ўртоқлар, ҳар бир янги авлод ҳаётга ўзича қадам қўяди. Сизнинг йўлингизнинг ўзига хослиги ҳам бетакрордир. Бунинг сабаби аввало шундаки, сизлар алоҳида бир даврда яшамоқдасиз. Сизнинг ёшлик йилларингиз қайта қуриш даврига тўғри келди. Бу тарихий жараённинг буюк янгилиги янгича тафаккурни талаб қилади, тор қарашларни инкор этади, эски ақидаларни бузиб ташлайди, билим ва ахлоқ-одобнинг ролини юксалтиради. Сиз, ёшлар, ўтмиш тажрибаси ва эски билимлар ижобий жавоб бермаётган нарсаларнинг кўпини англаб етишингиз ва ўзингиз учун, қолаверса бутун жамият учун қайта кашф этишингиз керак бўлади.

Ишончим комилки, жамиятдаги янги жараёнлар объектив равишда ўзининг бутун келажакка интилиши билан туб ўзгартишлар зарур эканлигига қаратилган. Улар пировард натижада ёшларга, уларнинг орзу-умидлари ва ҳаётдаги режаларига қаратилган. Келинглар, давр келтириб чиқарган ва олдимизга қўйган ғоят мушкул вазифаларни ҳал этиб, шу йўлдан биргаликда борайлик.

* * *

М. С. Горбачев съезд делегатларининг кўплаб саволларига жавоб қайтарди. Саволлар ва уларга берилган жавоблар матбуотда эълон қилинади.

АЁЛЛАРГА ОСОНМИ?

ТАССнинг парламентдаги мухбирлари Кремлдан хабар қиладилар

Парламент палаталарининг 10 апрель куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида кўриб чиқилган «Хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги масала юзасидан мунозараларда қатнашиш учун 16 аёл ва... 21 эркак ёзилди. СССР Олий Советининг Раиси **А. И. Лукьянов** залнинг хушчақчақ маъқуллаши билан эркак депутатларнинг инсоният гўзал қисми ишларига бундай эътиборини қутлади. Нима ҳам дердик, балки бунга уларни СССР Президентининг ибрати илҳомлантиргандир?

М. С. Горбачевнинг мазкур муаммоларни энг аввал кўриб чиқиш тўғрисидаги таклиф баён этилган мактуби давлатнинг инсон, оила, бола эҳтиёжлари томон бурилишининг яхши белгисигина эмас. Президентлик фаолиятининг дастлабки ҳужжатларидан бирига айланган бу мактуб шундай сиёсат ва амалиётнинг реаллиги ва истиқболлигига умид бахш этади. Унда таъкидланишича, гап жамиятимиз турмуши туб масалалари ҳақида, унинг ҳозирги куни ва келажаги ҳақида бормоқда. Бошқа соҳалардаги ишлар аҳволи қанчалик ўткир бўлмасин, оналар ва болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳамма нарсадан устун туриши керак. Уларга эътибор — ҳар қандай жамиятнинг, энг аввало социалистик жамиятнинг маданияти, маданийлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

СССР Олий Советининг қарори лойиҳаси барча комитетлар ва комиссияларда айнан ана шу нуқтаи назардан муҳокама қилинди, деди ҳужжатни тақдим этган хотин-қизлар ишлари, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш комитетининг раиси **В. И. Матвиенко.** У кўпгина аниқ ва муҳим таклифлар киритилганини маълум қилди. Шуларнинг бир қисми ҳозирнинг ўзида инобатга олинди, бир қисми оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш давлат программасига киритилади. Депутат мазкур сессияда программа концепцияси лойиҳасини муҳокама қилиш, сўнгра эса умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш тўғрисидаги таклифларни қўллаб-қувватлади.

Дарҳақиқат, бу тадбирларни энди орқага суриб бўлмайди. Болалар уйлари ва мактаб-интернатлардаги 160 минг бола, ақлий ва жисмоний нуқсонлари бўлган қарийб икки миллион бола жамият ғамхўрлигини кутмоқда. Совет ишчи аёлига бир сменада қўлда етти тоннагача юк ташишга, япон аёлига эса атиги 700 килограммгача юк ташишга рухсат берилган, ахир бундай таққослаш бизни безайдими? Тунги сменаларда бизнинг мамлакатимизда эркакларга нисбатан кўпроқ аёллар ишлашади. Бу эса на фақат аёлларга, бошқаларга ҳам ёқмайди.

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Л. А. Воронин** таклиф этилган тадбирларни молиявий-иқтисодий жиҳатдан асослаб берди. Унинг таъкидлашича, бу таклифлар оналик ва болаликка доир муаммоларнинг барчасини ҳал этмайди. Гарчи ҳукумат лойиҳани умуман қўллаб-қувватласада, давлат ҳамёнида уни амалга ошириш учун етарли маблағ йўқ. Шундай бўлсада, талаб қилинаётган 3,2 миллиард сўмдан Министрлар Совети бошқа ташкилотлар билан биргаликда 2,6-2,8 миллиард сўмни ажратиш имкониятини топди. Ҳукумат вакили қарорнинг икки бандини амалда жорий этишни кечиктиришни таклиф этди. Унинг фикрича, уларни амалга ошириш учун талаб қилинадиган пулни марказлаштирилган манбалардан 1992-1993 йилдагина топиш мумкин бўлади.



Халқ депутатлари фақат қўшимча маблағлар ёрдами билан барча муаммоларни ҳал этиш хусусида ҳом хаёлга боришгани ҳам йўқ. Масалан, бўлажак ота ва оналарни тарбиялаш борасида зўр ташвиш билан гапирдилар. Кўп йиллар мобайнида оила вазифасини турли давлат ташкилотлари: мактаб, милиция, жамоат ташкилотлари бажаришга уриниб келган. Бора-бора оила ўз мавқеини йўқотди. Унинг обрўсини тиклаш, унга тарбиялаш вазифасини қайтариб бериш керак. Минбардан жумладан, оналар учун 6 соатлик иш куни жорий этилиши, 1 ёшгача болалари бўлган оталарни Қуролли Кучлар сафларига чақиришни бекор қилиш, ёш оилаларга имтиёзли шартлар билан уй-жой бериш тўғрисидаги таклифлар янгради. Оналик ва болаликни муҳофаза қилувчи давлат хизматини тузиш ҳам таклиф этилди.

Мулоҳаза ва таклифлар кўп бўлди, лекин уларни дарҳол амалга ошириш мумкин бўлмагани туфайли давлат комплекс программаси ишлаб чиқилиши чоғида уларни инобатга олиш тўғрисида келишиб олинди. Депутатлардан 404 киши ёқлаб, бир киши қарши овоз берган ва 2 киши бетараф бўлган ҳозирги қарорда эса энг ўткир, оғриқли муаммолар тилга олинган.

Кечқурунги мажлисда депутатлар «ССР Иттифоқи билан федерация субъектлари ваколатларини белгилаб қўйиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи муҳокамада кўриб чиқишга киришдилар. Биринчи муҳокамадан сўнг пухталаштирилган ҳужжатни парламентга тақдим этган Миллатлар Совети Раисининг ўринбосари **Б. И. Олейник** бу — марказ ваколатлари торайганида федерация субъектлари реал мустақиллигини изчил мустаҳкамлаб бориш йўлидаги янги қадам эканини таъкидлади.

Кун тартибидаги масалалар кўпгина қарама-қарши фикрларни вужудга келтирди. Бу масалалар юзасидан музокарага бир ярим соатдан кўпроқ вақт кетди. Шундан кейин депутатлар қонуннинг фақат номинигина тасдиқлаб, муҳокамани бошқа кунга қолдирдилар.

Кечқурунги мажлис «беҳуда» ўтмаслиги учун депутатлар иш куни тугаган бўлсада, илгари муҳокама қилинган «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий муносабатлари асослари тўғрисида»ги қонун лойиҳасига яна қайтишга қарор қилдилар. Бир нечта тузатишлар тасдиқланганидан кейин у қабул қилинди.

Шундан кейин депутатлар кечаги кундан қолган «қарз» — ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар жиноят судлови асосларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш билан шуғулландилар. Лойиҳани СССР Олий Совети кўриб чиқиши учун қонун лойиҳаси таклиф этиш тартибида депутат **А. М. Яковлев** киритган эди. У ахборот билан чиқди ва парламентнинг қонунчилик масалалари комитети қилган тузатишларни баён этди. Қисқа муҳокамадан кейин бу қонун ҳам қабул қилинди.

Л. ЕРМАКОВА,
С. ЖАРКОВ,
В. ЗЕНЬКОВИЧ.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти ўртоқ Михаил Сергеевич ГОРБАЧЕВга

Биз, Совет Литвасидаги саноат корхоналарининг ишчилари ва хизматчилари регионлараро гуруҳ деб аталган гуруҳга мансуб СССР халқ депутатларининг турмушимизга аралашаётганига қарши қатъий норозилик билдирамиз. Депутатлар мамлакатимизни парчалаб ташлашга ва Болтиқ денгизидан Қора денгизгача «Буюк Литва князлигини» барпо этишга уринаётган «Саюдис»ни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқдалар.

Бу депутатларнинг уларни сайламаган одамлар турмушига аралашишга қандай ҳаққи бор? Улар бу ерда нималар юз бераётганлигини, СССР граждани ҳуқуқлари топталаётганлигини, бошқача фикрловчилар таъқиб этилаётганлигини, маҳаллий миллатга мансуб бўлмаган кишилар жамиятга ўғай бўлиб қолаётганлигини тасаввур ҳам қилмай, миллатчиларга маслаҳатлар бермоқдалар, уларнинг «демократия»сини табриклашмоқдалар. Башарти бу депутатларга бизнинг бу ердаги ҳаётимиз шу қадар ёқиб қолган экан, биз улар билан квартирамизни алмаштиришга розимиз ва улар шу ерда яшаб кўришсин. Эҳтимол ана ўшанда Литва Олий Совети симосидаги сиёсий найрангбозларни ҳимоя қилиш истаги қолмас.

Демократия учун курашаётган депутатлар «Саюдис» ва унинг ҳукумати бу ерда янги диктатура ўрнатишга уринаётганлигини кўришни хоҳламаяптилар. Бу ерда радио, телевидение ҳамда газеталарни эгаллаб олиб, фақат ўзлари учун мақбул ахборотни тарқатмоқдалар. Уларнинг фикрига қўшилмаган кишиларнинг ҳаммасини халқ душманлари, деб эълон қилмоқдалар, айни вақтда парламент шундай қонунларни қабул қилмоқдаки, уларга мувофиқ «Саюдис» фикрига қўшилмаган кишиларни турмага ташлаш мумкин. «Саюдис» ўзини Литвадаги ягона ҳукмрон партия деб эълон қилишни истаб қоладиган кун узоқ эмас.

Биз Иттифоқ телевидениеси ва бошқа оммавий ахборот воситалари бу ерда юз бераётган воқеаларни холисона ёритишини талаб қиламиз. Қаршиликни сезмай белгиланган мақсад сари тезюрар поезд каби ғизиллаётган авантюрачиларнинг хатти-ҳаракатларини рағбатл

Табаррук зиёратгоҳ

Ленинград... Бу шаҳарнинг жуда кўп жойлари пролетариатнинг улуғ доҳийси ҳаёти ва фаолияти билан ғоятда чамбарчас боғланган. Шулардан бири В. И. Ленининг Виборг томонида собиқ Финляндия темир йўлининг (ҳозирги Октябрь) Ланская станцияси ёнида жойлашган уйдаги яширин қароргоҳи ҳисобланади. Владимир Ильич ўша пайтда шу уйнинг тўртинчи қаватида яшаган эди. М. В. Фофанова томонидан ижарага олинган бу қароргоҳ жуда кўп революцион воқеаларнинг шоҳиди бўлди.

Мазкур уйга В. И. Ленин 1917 йилнинг 6 июлида кўчиб келди. Бу ерда РСДРП (б) Марказий Комитетининг июль воқеалари тўғрисидаги шошилинч кенгашлари ўтказилар, ишчилар синфининг жуда кўп вакиллари келар эдилар.

Владимир Ильич М. В. Фофанова ижарасидаги уйда Петроградга яширин равишда қайтгандан сўнг 1917 йилнинг октябридан Смольнийга кетгунга қадар истиқомат қилди. Бу ерда яшаб турган пайтида Марказий Комитет билан яқиндан алоқа боғлаб турди ҳамда қуролли қўзғолонни тайёрлашга раҳбарлик қилди.

Партия доҳийсининг бу яширин қароргоҳи ўша пайтда ишчилар томонидан ишончли ҳимоя қилинар эди. Шунинг учун ҳам у ўзининг қатор тарихий мақолалари ва мактубларини шу ерда ёзишга муяссар бўлди. Булар қуролли қўзғолон тайёрлашда ва уни амалга оширишда оламшумул аҳамиятга молик бўлди.

Эндиликда бу уй шаҳарнинг энг табаррук тарихий ёдгорликлари орасида алоҳида ўрин тутиб келмоқда. Владимир Ильич яшаган ва ижод қилган мазкур уйнинг ўша пайтдаги ҳолати М. В. Фофанова ёрдамида яна жонлантирилди. Чунончи, уй жиҳозлари, ошхона, ундаги ашёлар, ва бошқа анжомлар М. В. Фофанова ёрдамида асл манзарасини топди.

Суратларда: 1. В. И. Ленининг Кремлдаги иш кабинети (1922 йил 4 октябрь). 2. Зиёратчилар В. И. Ленин яшаган яширин қароргоҳнинг ошхонасини кўздан кечиришяпти. 3. В. И. Ленининг шу уйдаги иш столи. Унинг устида сиёҳдон, қаламдон ва китобларнинг асл нусхалари.

ТАСС суратлари.


В. И. ЛЕНИН В СВОЕМ КАБИНЕТЕ В КРЕМЛЕ. Москва. 4 октября 1922 г. Фото

В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллиги олдидан

КЎКЛАМ — МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМ

ЕРГА УРУҒ ТУШДИ

• *Лавҳа*

Ерга уруғ, деҳқоннинг пайтавасига «қурт» тушди. Энди унга кеч кузаккача тиним йўқ, ҳаловат бегона. Даласининг у бошидан бу бошига довур югургани-югурган. Аммо унинг юмушлари эгат бошида битса, ташвишлари тошу тупроғигача таниш шу даласининг ўзида арий қолса кошкийди...

Бу ерга ҳамма — болабақра, хотин-халаж, колхоз ишлаб чиқаришининг ветеранлари тўпланган. Улуғи — Қаҳҳор бобо — 76 ёшли кекса деҳқон. Шунча егулик, ичкилик бўлгани билан дастурхон ҳали-ҳануз баҳорий кўкатлардан тайёрланган таомлар, ош, бўғирсоқ ва бошқа ширинликлар билан тўла. Бир ёнда ёшяланглар ўйин-кулгини давом эттиришмоқда.

Ниҳоят, Қаҳҳор бобо ёнбошлаб ётган жойидан қўзғалди, қаддини ростлади. Ўйин-кулги тўхтади. Ҳамма давра атрофига тиз чўкди.

Қаҳҳор бобо бу йилга қутбарака, деҳқонларга сабр-қаноат, тадбиркорлик тилаганида, юрт фаровончилиги, дастурхон тўкинлиги учун ҳаммани катта меҳнат сари чорлаганида тўпланганларнинг қўллари беихтиёр юзларига сурилди.

Шундан сўнг Ленин номли колхознинг 2-бригадаси механизатори Мансур Муқимов сеялка тақилган трактор рулига ўтирди. Қаҳҳор бобо сеялка қутисига биринчи бўлиб чигит тўкди. Трактор бир силкинди-ю, экишга тахт қилиб қўйилган майдон бўйлаб юра кетди.

Ҳазил-мутойиба бир дам тўхтади. Худди биринчи бор кўраётганидек, ҳамма трактор ортидан қараб қолди. Бир нафаслик сукунат юз берди.

Хаёл қурғур учқур бўлади. Эҳтимол шу онда бригада саркори Бекназар Муқимов 250 тонналик хирмон ҳақида ўйлаётгандир. Колхоз раиси С. Бекбўтаевнинг кўз ўнгидан далани шу ҳолга келтургунга қадар бўлган меҳнатлари — қайта-қайта шўр ювиш, ўғит тўплаш, ариқ-зовурларни тозалаш, карталарни текислаш ташвишлари бирма-бир ўтаётгандир? Янги ташкил қилинган Навбаҳор райони агросаноат уюшмаси раиси, тадбиркор деҳқон Фармон ака Мансуров-чи? Уни ўйлантираётган, ташвишга солаётган масалалар кўп экан. Бу ташвиш ва ўйларни районнинг янгилигига йўймоқ хато бўлур эди. Негаки, у анча йиллардан буён агросаноат уюшмасига раислик қилади. Янги район тасарруфидаги хўжаликларнинг ўтмиши ҳам, бугуни ҳам унга беш панжадек аён. Гап районнинг янгилигида эмас, бошқарув усулининг, ерга, одамларга бўлган муносабатнинг янгилигида, гап иш структурасининг, кадрларнинг янгилигида. Қолаверса, деҳқончилик ишига дахлдор бўлган айрим ташкилот раҳбарларининг бемаслаҳат «ихтиро»лари-ю, беоқибат «янгилик»ларида!

— Районимизда ўнта пахтачилик, битта қорақўлчилик хўжалиги бор, — дейди Ф. Мансуров. — Уларнинг барчаси пудрат асосида ишлайди. Шу кунгача 128 гектар мевазор, 277 гектар узумзор барпо этдик, 400 гектар майдон томорқа учун ажратилди. Шунингдек, сабзавот, полиз, картошка, кунжут каби эртаги экинлар ҳам экиб бўлинди. Эртадан бошлаб райондаги барча хўжаликларда чигит қадашга киришилади. Ҳозир 1400 тонна чигит тахт қилиб қўйилди. Мавжуд 13 минг 169 гектар пахта майдонининг 2 минг гектарига «Бухоро—6», 9 минг гектарига «Ан-Боёвут» навли уруғ экилади.

Раиснинг таъкидлашича, «Ан-Боёвут» навли чигитни район ҳудудида экишга рухсат олгунга қадар ингичка узилиб, йўғон чўзилди. Ахир, бу нав Навбаҳор районидек чўл зоналар учун шўрга чидамлилиги, тезпишарлиги билан ўта муҳимку. Аниқлашимизча, бу ерда турғунлик даврининг кўзга кўринмас «ўйинлари» мавжуд. Масалан, кейинги икки йилда Навоий пахта тозалаш заводи шу нав туфайли 400 минг сўмга яқин зарар кўрган. Хўжаликлар эса айнан шу нав боис 8—10 йиллик қарзларини узиб олишган. Шу туфайли пахта заводлари бу нав экилишига тиш-тирноғи билан қарши.

Хўш, деҳқоннинг тақдири нима бўлади? Эндигина оғзи ошга етган пайтда бурнини қонатиш керакми? Пахта заводлари қачонгача деҳқонга йўл-йўриқ кўрсатади, унга ҳукмронлик қилади? Ахир, хорижий мамлакатларда саноат деҳқоннинг маҳсулотига қараб турқитароватини ўзгартириб турадику? Республика Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети бу масалани айнан ҳозир, кечиктирмасдан ҳал қилиши лозим! Қолаверса, бу нуфузли комитет хўжаликларни «Ан-Боёвут» навининг 3-репродукциясидан ташқари 1- ва 2-репродукциялари билан таъминлашни ҳам йўлга қўйишлари керак.

Бу йил районда чигит экиш бир ҳафтага кечиккмоқда. Албатта, бунга обҳавонинг ноқулайлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Аммо энг асосий сабаблардан бири сув танқислигидир. Гарчанд, район Зарафшон дарёси бўйида жойлашган бўлсада, сувга зор. Бундан беш-олти йил муқаддам Навбаҳор районининг чўл зоналарини суғориш учун Конимех насос станциясининг 1-ва 2-навбати ишга туширилган эди. Миллионлаб давлат маблағи сарфланган бу иншоотлар бугунги кунда сув бўлмаганлиги туфайли ишламаяпти. Бухоро сув хўжалиги бошқармасига янги раҳбар келди-ю, мироблик системаси ўзгарди-қолди. Эндиликда Навбаҳор райони учун ажратилган сувлар лимитга кирмаган Қизилтепа ва Ғиждивон районлари далаларини обод қилмоқда. Қонунбузарлик, ғирромлик тез кунда бартараф этилмаса, кейинги пушаймоннинг фойдаси бўлмайди. Бора-бора андиша пардаси йиртилади, меҳр-оқибат йўқолади, энг ёмони, деҳқон кеч кузакни бўм-бўш қўллари билан қарши олади.

Навбаҳор райони бу йил давлатга 35 минг 475 тонна «оқ олтин». топшириши керак. Эрта кўкламги мўлжал ана шундай. Дастлабки ҳаракат бошланди — устахоналарда жиловланган 127 та сеялка «арқон»ни узиб бирин-кетин далага отланмоқда. Деҳқоннинг улкан меҳнат жанги, ширин ташвишлари оёқланди.

Унинг юмушлари эгат бошида битса, ташвишлари эса тошу тупроғигача таниш шу даласининг ўзида арий қолса кошкийди...

Э. БОЛИЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбири.

• *«Совет Ўзбекистони» қабулхонасида*

СОВУҚҚОНЛИК

ШУ ТУФАЙЛИ АРИЗАЛАР ОДИЛОНА КЎРИБ ЧИҚИЛМАЯПТИ, БУ ЭСА КЕЛАЖАК ДАРАХТИНИНГ ИЛДИЗИГА БОЛТА УРМОҚДА

Кейинги даврда ўқитувчилар ўртасида ёзишмалар кескин кўпайди.

Икки-уч йил ичида юздан зиёд ўқитувчининг аризасини ўргандим, ўнлаб мактабларда бўлдим, десам муболаға қилмайман. Аммо асосан «деди-деди»лар, «еди-ичди»лар ҳақида эшитаману, баъзан далиллар тополмайман, баъзан мансаб, манфаат учун бировни чаплашга уринишганини сезаману исбот этолмай қийналаман. Аксарият ҳолда район маориф бўлими, область халқ таълими бошқармаси, районкомпартия, совет ташкилотлари «шу ҳам гапми?» қабилида совуққонлик билан қараганликлари оқибатида «шикоятбоз»лар сафи кенгайиб борганини ҳис қилиб ранжийди киши.

Қарангки, бу сафар ҳам шундай бўлди. Ж. Суюндиқов икки йилдирки, ҳар душанба куни «Совет Ўзбекистони» қабулхонасига ё келади, ё қўнғироқ қилади. Мен масала мактаб ремонти билан боғлиқ эканлиги учун ва таълим дарҳоҳига «мухбир келди, муаллимларни газетага уради» деган гап тарқалмаслиги олдини олиш мақсадида ҳар сафар уни районга мурожаат қилишга ундардим.

Районнинг ўша кездаги раҳбарлари уни эшитишмади. Областда ҳам қониқарли жавоб топмади. Кейин у редакцияга ёзибди. Унинг хатини область халқ таълими бошқармаси кўриб чиқибди. Сўнг область агросаноат комитети. Ундан кейин прокуратура. Тағин совуққонлик. Жовқон Суюндиқов яна қабулхонага келди.

— Энди битта мактабнинг ремонтида йўл қўйилган қусурни республика газетаси фош этиши керакми? — унга жиддийроқ масалалар ошиқ-тошиб ётганини тушунтирмоқчи бўламан.

— Бу ҳам жиддий масала. Қўшиб ёзиш бор бу ерда.

— Район, область газеталари редакцияларига бормадингизми?

Мен қанча ўжар бўлсам, Жовқон Суюндиқов мендан қолишмас эди. У столим устига область «Ленин йўли» газетасининг 1988 йил 26 декабрь сонини қўйди. Унда «Муҳитга путур етса...» сарлавҳали танқидий мақола берилиб, у Пайариқ район партия комитети, райижроком ва район халқ маорифи бўлими раҳбарларига ўрганиш, тахлил этиш, чора кўриш учун тавсия қилинган. Ж. Суюндиқов бугун аризасида нимани ёзаётган бўлса, ҳаммаси газетада ўз ифодасини топган. Мактаб директори Қ. Султонов 1987 йилги таътил даврида колхоздан ремонт учун ўқитувчилар номига пул ёздириб олгани, бўёққа деб отаоналардан пул йиғилгани, область агросаноат комитети ревизори М. Холматов, область агросаноат комитети ревизия бўлими катта мутахассиси Х. Ўроқов тафтишни бир ёқлама ўтказишгани... хуллас ҳамма гап ёзилган.

— Аммо чорасиз қолди, бари. Менинг ўзимга ҳайфсан берди директор.

— Прокуратура нима деб жавоб берди.

У жавобни қўлимга тутқазади. «Сизнинг 42-мактаб директори Султонов Қўзи тўғрисида 1988—1989 йиллар давомида район, область прокуратураси ва партия-совет органларига ёзган аризангиз юзасидан текширув ўтказилди. Шикоят иши қўзғатиш рад этилди. Лекин аризангизда кўрсатилган айрим фактлар тасдиқланганлиги учун район халқ таълими бўлимига, Султонов Қга нисбатан интизомий чора кўриш учун тақдимнома киритилди. Пайариқ район прокуратурасининг терговчиси Т. Таллиев».

— Менга силлиқ жавоб берган, РайОНОга эса директорнинг ишда қолиш-қолмаслиги кўриб чиқилсин, — деб ёзган.

— Мана, ҳал бўлибди-ку?

— Прокуратура ҳам ўз талабини унутди. Мактабда эса мени «Тўй билмас, марака бузар бундай одам, яъни Суюндиқовнинг уруғини қуритиш керак» (1989 йил 9 октябрдаги протоколдан, ўқитувчи М. Суяров нутқида шундай дейилган) деган хулоса чиқаришди.

Барибир мактабга боришга тўғри келди. Аввал район партия комитетига кирдим. Райкомнинг идеология масалалари билан шуғулланувчи секретари Марҳабо Турғунова сейфдан бир даста қоғозни олдида:

— Мана, биз нуқта қўйганмиз. Мактаб директорига ҳайфсан берилди, — деди.

— Прокуратура унинг пул ўзлаштирганини исботлаган-ку?

— Ҳозир демократия. РайОНО кенгашини мактабда ўтказдик. Ўқитувчилар Жовқон Суюндиқовни қоралашди, директорни сақлаб қолишди.

— Нуқта қўйдик деяпсиз, лекин бу киши норозилар-ку?

— Ихтиёр у одамда. Норози ҳам бўлишлари мумкин, рози ҳам бўлишлари...

Мактабга равона бўлдим. Директорни ҳарчанд қидирмайлик топа олмадик. Район халқ таълими бўлими инспектори Абдухалил Қодиров билан синфларга кирдик.

5 «Б» синфи. Қумри Жўраева дарс ўтаяпти. Уч нафар ўқувчи келмаган. Журнал йўқ, иш плани ҳам.

7 «Б» синфи. 27 ўқувчидан 24 нафари келган. Шунча бола 10 та партага сиғишиб ўтирибди. Тозагул Тўрақулова иши чиқиб кетиб қолгани учун дарсни бошқа одам ўтаяпти.

10 «Б» синфи. Олим Ёқубжонов рус тилидан дарс ўтаяпти.

— Нега дафтарингизга ҳеч нарса ёзилмаган, — сўрайман, — ўқувчи Шаҳло Эшматовадан. У ёнидагиларга қарайди. Уларда ҳам янги дафтар. Фақат бир ўқувчи ёзган экан.

— Дафтарларни илмий бўлим мудири олган эди, текширишга, — дейди ўқитувчи.

Мактабдан қайтарканмиз, катта йўл ёқасида кимнидир кутиб ўтирган раҳбарларни кўрдик. Район секретари ҳам шу ерда.

— Сиз 42-мактаб энг намунали, директори ташкилотчи, қобилиятли деган эдингиз, афсуски аҳволни ўзингиз кўрмадингиз, — дедик Марҳабо Турғуновага.

— Кўриб нима қиламан. Сиз кўрган бўлсангиз ўқиймизда энди, — киноя билан жилмайди у.

Идеология бўйича секретарнинг бундай совуққонлиги мени ўйга толдирди. Келажакка ана шундай муносабат ҳамон яшаётгани жуда хавфлидир. Бунинг устига партия ташкилотлари обрўси ҳақида жиддий гап бораётган бир пайтда унинг «карвонбоши»лари нима иш қилаётганларини билмасалар, вазифаларини англаб етмасалар халқнинг ишончи қайта тикланармикан?

Ахир Ж. Суюндиқовнинг ёзишмаларига гапда эмас, амалда нуқта қўйиш керак эмасми? Наҳотки, ким ҳақу ким ноҳақлигини ажратиб олиш учун аввал бир ўқув даргоҳи маънавий инқирозга юз тутишини кутиш керак? Бу сиёсий, ахлоқий, мафкуравий масала эканлигини унутишга кимнинг ҳаққи бор?

Жовқон Суюндиқов телефон қилишдан, ариза ёзишдан тинмайди. Район раҳбарлари эса совуққонликни тарк этгилари йўқ. Билмадим, бу иллат қачонгача қўлимизга, оёғимизга, келажагимизга кишан бўларкин? Бу саволга холисанилло, одилона, принципиал жавобни кимдан олиш мумкин?

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Статистика ҳамма нарсадан хабардор*

ХУЛҚ-АТВОР УЧУН БЕРИЛГАН БАҲО

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети эълон қилиш учун тақдим этган ахборотдан маълум бўлишича, ўтган йили республикада 2,6 миллион маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланган. Тошкент шаҳрида кўпроқ — 867,5 мингта, Самарқанд областида 377,8 мингта ва Фарғона областида 369,3 мингта маъмурий ҳуқуқбузарлик қайд этилган. Самарқанд областида маъмурий ҳуқуқбузарликнинг энг кўп қисми шаҳарларга, Фарғона, шунингдек Наманган, Андижон ва Қашқадарё областларида — қишлоқ жойларига тўғри келади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг 84 фоизини, дейилади шарҳда, ички ишлар идоралари аниқлаган. Етти фоизини (бу ҳам каттагина рақамни — 185,3 мингтани ташкил этади) шаҳар пассажир ва шаҳарлараро автотранспорт хизматлари аниқлаган.

Ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтда 2,3 миллион киши маъмурий жавобгарликка тортилган. Деярли 35 минг киши маъмурий жавобгарликка тортилмаган, уларга доир материаллар ўртоқлик судларига, жамоат ташкилотларига ва меҳнат коллективларига кўриб чиқиш ва тегишли таъсир чораларини кўриш учун юборилган. 1,5 минг кишига доир материаллар амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий иш қўзғатиш учун тергов органларига топширилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик орасида унинг асосий қисмини — 84 фоизини транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқадаги ҳуқуқбузарликлар ташкил этади, деб таъкидланади ахборотда. Белгиланган тезликни оширгганлиги, йўл белгиларига риоя қилмаганлиги, юк ташиш талабларига ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидаларига риоя қилмаганлиги учун деярли 812 минг ҳайдовчи, транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун 215 минг киши жазоланган.

Ўтган йили паспорт режими қоидаларини бузганлиги учун деярли 117 минг киши маъмурий жавобгарликка тортилди. Қарийб 42 минг киши майда безорилиги учун, 75 минг киши тақиқланган жойларда спиртли ичимликлар ичганлиги ёки жамоат жойларида маст ҳолда пайдо бўлганлиги учун жазоланди.

Давлат статистика комитетининг ахборотидан маълум бўлишича, ўтган йили жарима маъмурий жазонинг энг кўп тарқалган шакли бўлди. Ҳуқуқбузарларнинг 82 фоизига нисбатан шу чора қўлланилди, уларга солинган жариманинг умумий ҳажми 22,6 миллион сўмни ташкил этди. Маъмурий жавобгарликка тортилган кишиларнинг 17 фоизи расмий равишда огоҳлантирилди, қолганларига нисбатан бошқа маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

(ЎзТАГ).

ДАЛАДА ИШ ҚИЗҒИН

Қўриқ хўжаликлар ичида биринчи бўлиб Нишон районидаги С. Альенде номли совхоз чўлқуварлари чигит экишга киришдилар. Бу муҳим агротехник тадбир А. Саодатов бошлиқ оилавий пудрат асосида ишлаётган бригадада муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бригада деҳқонлари дастлабки куни 4 гектар майдонга барака уруғи қададилар. Мавжуд 34 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта етиштиришга бел боғлаган азамат коллектив чигит экишни 5 иш кунида тугаллаб, ўз намида ундириб олиш учун курашмоқдалар.

Тажрибали деҳқонлар бу йил ҳам ернинг кайфиятига қараб иш тутмоқдалар. Етилган майин тупроқли майдонларга пешма-пеш чигит ташланмоқда. Айниқса, қўриқ У. Юсупов, Баҳористон, Косон, Ульянов районларида экиш-тикиш ишларини қулай муддатларда ўтказиш тадбирлари кўрилмоқда. Илғор хўжаликларда чигит экиш ишлари суръати ошаяпти.

Вилоятнинг Қамаши, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи районларидаги кўплаб колхоз ва совхозларда ҳам ернинг ўз табиий намини сақлаган ҳолда чигит экиляпти.

Колхозчилар ва совхоз ишчилари қулай фурсатларни бой бермасдан чигит экишни 5—10 иш кунида ниҳоясига етказиш учун экиш техникаларидан унумли фойдаланмоқдалар. Куни кеча Шаҳрисабз районидан мухбирлар пунктига қўнғироқ қилишди. Райондаги Ж. Элбоев номли ва «Пахтакор» колхозларида ҳам чигит экиш бошланиб кетди. Шаҳрисабзлик миришкорлар бу йил мўлжалдаги пахта ҳосилини етиштириш учун чигит экиш ишларини агротехника қондалари асосида сифатли амалга оширишни мўлжалламоқдалар.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲАЛОЛ ИНСОН

• Асадулла Ҳўжаев таваллудининг 70 йиллигига

1990 йилнинг 12 апрелида коммунист, ажойиб ва ҳалол инсон Асадулла Ашрапович Ҳўжаев туғилган кунга 70 йил тўлади.

У Тошкент шаҳридаги Қорёғди маҳалласида ишчи оиласида туғилди. Ўзбек халқининг яхши урф-одатига кўра, у болаликданоқ меҳнат қилишга, одамларга ҳурмат-иззат билан муносабатда бўлишга ўрганди. Юксак ахлоқ, поклик ва ҳақгўйлик руҳида тарбияланди. Болалиги ва ёшлиги Совет ҳокимиятини тиклашнинг оғир йилларига ва биринчи беш йилликлар даврига тўғри келди.

Улуғ Ватан уруши йилларида эса у Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтини тамомлаб, қурувчи инженерлик касбини эгаллади.

Асадулла Ашрапович ўз меҳнат фаолиятини Тошкент темир йўлининг Қўқон йўл бўлимида мастер бўлиб ишлашдан бошлади. У 1945 йилда партия аъзолигига ўтиб, то умрининг охирига қадар партия ишига содиқ бўлиб қолди.

1951—1954 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг саноат-транспорт бўлими инструктори бўлиб ишлади. Шундан сўнг ўн йил давомида хўжалик ишларида раҳбарлик вазифаларида меҳнат қилди. Республика автомобиль транспорти ва йўллар министрининг ўринбосари, сўнгра биринчи ўринбосари бўлди. Республикада йўл қурилишининг кенг ривожланиши ҳам айни ана шу даврга тўғри келади. Қурама тизма тоғларининг баланд довонлари орқали техник жиҳатдан энг мураккаб бўлган Тошкент—Ангрен—Қўқон тоғ автомагистрали шу даврда қурилган. Бу автомагистрал ўнлаб километр масофани қисқартириб, Фарғона водийсига энг яқин йўлни очди.

Партия ва хўжалик ишларидаги катта тажрибаси ҳисобга олиниб, Асадулла Ашрапович 1963 йилда Самарқанд саноат область партия комитетининг биринчи секретари, 1964 йили эса Самарқанд область ижроия комитетининг раиси қилиб сайланади. У бу вазифада тўрт йил ишлаганидан сўнг Наманган область партия ташкилотига биринчи котиб этиб сайланади ва бу партия ташкилотини беш йил мобайнида бошқаради.

1973—1978 йилларда республикадаги энг йирик—Тошкент шаҳар партия ташкилотига етакчилик қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолигига номзод қилиб сайланди.

1978 йилда А. А. Ҳўжаев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари этиб сайланади ва айни вақтда Марказий Комитетнинг қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлимига бошчилик қилади. У бу вазифада ўзининг партия, совет ва хўжалик ишларида орттирган катта тажрибасидан маҳорат билан фойдаланди. Капитал қурилишга партиявий раҳбарликни амалга ошириб, айни вақтда қурилиш ишининг инженерлик жиҳатларига, техника тараққиётига, жумладан, қурилишларда объектларни йирик монтажли блоклар билан барпо этиш усулини жорий этишга катта эътибор берди. Қурилиш-монтаж коллективлари қурилиш муддатларини қисқартиришга асосан ана шундай усулни қўлланиш эвазига муваффақ бўлдилар.

Асадулла Ашрапович Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари сифатида ўз фаолиятини катта жамоатчилик ишлари билан қўшиб олиб борди. 1980 йилда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси қилиб сайланади. У Совет Иттифоқи Коммунистик партияси съездларининг делегати, СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг депутати қилиб сайланган.

Партия арбоби ўзига ишониб топширилган барча вазифалар ва иш участкаларида партияга, халққа садоқат билан ишлади, катта меҳнатсеварлик ва ғайратшижоат, партиявий принципиаллик ва ҳалоллик, одамларга катта меҳр-оқибат, инсонийлик кўрсатди. Халққа ҳалол хизмат қилиб, жамоатчилик орасида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлди, Ўзбекистон меҳнаткашлари ўртасида республика партия ташкилотининг обрўсини оширишга эришди.

А. Ҳўжаевнинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. У партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун иккита Ленин ҳамда иккита Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, СССР медаллари билан мукофотланди. А. Ҳўжаев «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи» фахрий унвонига ҳам сазовор бўлган эди.

П. СИНЕКОПОВ.

БУГУН – КОСМОНАВТИКА КУНИ

Истиқболга парвоз

Бундан роппа-роса йигирма тўққиз йил муқаддам совет фуқароси Юрий Алексеевич Гагарин инсоннят тарихида биринчи бўлиб фазога парвоз қилди. Бу жасорат Оламни ўрганиш, тушуниш борасида чексиз имкониятларни очиб берди. Фан ва техникани янада ривожлантиришга кўмаклашди. Ана шу йиллар мобайнида инсоннинг ижодкорлик даҳоси ва меҳнати туфайли юзлаб Ер сунъий йўлдошлари ва космик кемалар орбиталарга чиқарилди. Улар бизларга яқин ва узоқ фазо тўғрисидаги, Қуёш системасидаги сайёралар, Қуёшнинг ўзи ҳақида беҳисоб ахборотларни узатди. Фазони ўзлаштиришдаги кўпгина мураккаб илмий ва техникавий вазифалар муваффақиятли ҳал этилдики, бунинг оқибатида совет фазогирлари биринчи бўлиб очиқ космосга чиқдилар. Биринчи бўлиб кемаларни бир-бирига туташтирдилар. Энг узоқ муддатли парвозларни амалга оширдилар.

Бугунги кунда космонавтика маърифатли дунёнинг ажрапмас қисми бўлиб қолди. У ўзининг беқиёслигини ва иқтисодий самарадорлигини исботлади. Космик системалар негизида метеорология, алоқа, навигация, геодезия соҳасида сифат жиҳатидан янги ечимларга эришилди. Ернинг табиий ресурсларини, экологияни, астрономияни тадқиқ этишда оламшумул натижалар қўлга киритилди.

Космос — бу янги машиналар, материаллар, технологиялар, демакдир. Уларнинг машинасозликда, қурилишда, тиббиётда, маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги аҳамиятини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Фазода синаб кўрилган ва жорий этилган барча илғор, прогрессив нарсалар жамиятга қайтарилмоқда, халқ хўжалигида рўёбга чиқарилмоқда. Биргина «Энергия» — «Бўрон» ракета-космик системасини олайлик. Унинг вужудга келтирилганлиги қанчадан-қанча кашфиётлар ва ихтироларга сабаб бўлди. Муҳтазам ишлаб турган киши бошқарувчи орбитал станцияларда ярим ўтказгичли материалларни, биопрепаратларни саноат асосида тажриба тариқасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Тўғри, ҳозирча фазони ўзлаштириш қимматга тушяпти. Аммо истиқболни назарда тутадиган бўлсак, ҳозирги сарф-харажатлар 1995 йилга бориб тўла-тўкис ўзини-ўзи қоплайди. Негаки, космик тадқиқотлар натижаларидан кўплаб мамлакатлардаги олимлар фойдаланишмоқда. Кўплаб халқаро экипажлар совет космик кемаларида бирга ишлашди ва яна шундай парвозларга тайёргарлик кўришяпти.

Суратда: Калуга шаҳрининг Мир кўчасида К. Э. Циалковскийга тикланган ҳайкал. ТАСС сурати.

ОНА САЙЁРА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Ю. А. Гагарин номидаги космонавтлар тайёрлаш Марказининг бошқармаси бошлиғи, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация генерал-майори, Ўзбекистон ССР халқ депутати Владимир Александрович Жонибековга «Совет Ўзбекистони» мухбири бир неча савол билан мурожаат этди:

— Владимир Александрович, Сизни ва барча совет фазогирларини Космонавтика куни билан самимий қутлаймиз.

— Раҳмат. Бу байрам совет олимлари, инженерлари, конструкторларининг тафаккур байрами. Шу байрамга асос солинишига Юрий Гагариннинг буюк жасорати сабаб бўлганлиги учун ҳам ғоят шарафлидир.

— Сирасини айтганда, байрам қутлови бўлажак биринчи ўзбек космонавтига ҳам тегишли, деб айта оласизми? Чунки, журналистларнинг ҳарбий мутахассислар билан учрашувларида космонавтлар орасида ўзбек йигити бор, деган гапни аниқ айтишди.

— Тўғри, ўзбек ҳарбий синовчи-учувчиси нуфузли идоралар раҳбарлари суҳбатидан ўтиб, космонавтлик учун имтиҳон топширмоқда. У ҳарбий ҳаво кучлари лейтенанти. Ҳозирча уни «абитуриент» деб аташ мумкин. Билим ва идроки билан синовлардан муваффақиятли ўтиб, сафимизга қўшилса ажаб эмас.

— Дунё яратилгандан бери одамзод фазога учишни орзу қилган. Шундай эмасми?

— Ҳар бир буюк кашфиётнинг илк бошланиш муқаддимаси бўлади. Болалари варрак учирмайдиган мамлакат бўлмаса керак. Бу ҳақда кўпгина эртакларда ривоятлар ҳикоя қилиб берилган. Хатто Хитой ҳоқони порохли варракда осмонга кўтарилмоқчи бўлган.

— Ўтган асрларда яшаган буюк олимлар, хусусан, Мирзо Улуғбек ҳам фазога учиш ҳақида орзу қилган бўлса керак?

— Бўлмасамчи, замонасида юлдузлар осмонини ўрганган Улуғбек бу ҳақда ўйлаши бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки ўзбек олими ўзидан олдин ўтган жаҳон мунажжимларининг асарлари ва улар қурдирган расадхоналарни севиб ўрганган. Чунки унинг расадхонаси ўз давридаги турдошларидан мукаммаллиги билан ажралиб туради.

— Владимир Александрович, бугун Космонавтика куни экан, Юрий Гагаринни номини эслайлик. У билан гаплашганмисиз?

— Афсуски йўқ, ўша жасоратли парвоз куни мен ўзимни биринчи фазогир ёнида турғандек ҳис этдим. Чунки мен ҳам парвоз қилишни жуда истардим. Ўшанда Ленинград университетига ўқишга киргандим. Бу ўқишни ташлаб ҳозирги В. Комаров номидаги Ейск ҳарбий авиация олий билим юртига ўқишга кирдим. Гагариннинг ўша буюк жасорати мени ва жаҳондаги барча фазогирларни коинот сари чорлаган эди. Шунинг учун ҳам унинг номи биз учун муҳтабар.

— Парвозларингиз чоғида серқуёш диёримиз осмону фалакдан қандай кўринган эди?

— Ер шари бўйлаб бир марта айланиш 90 минут давом этади. Бир кеча-кундузда Ўзбекистон устидан уч-тўрт марта ўтишга тўғри келади. Биринчи парвозимда қиш эди. Ўшанда Орол музлаган бўлиб кўринди. Кейинги учишларимда унинг қуриб-қақшаб бораётганлигини аниқ кўрдим. Бепоён пахтазорлар, яшил водийлар, Тошкент шаҳри хариталардаги тасвирларга ўхшаб кўринади.

— Космик парвознинг халқ хўжалиги учун аҳамияти борми?

— Қани энди қишлоқ хўжалигини бошқариш учун бизга буюртма беришганда эди, биз экин-тикинларнинг аҳволини, сув таъминотигача бўлган барча маълумотларни космик кемалар орқали ахборот марказига етказиб берар эдик. Бунинг учун космонавтикада етарли имконият бор. Мисол келтираман. «Природа» давлат марказининг Ўзбекистон бўлими ходимлари коинотдан олинган маълумотлар асосида жумҳуриятимизнинг табиий бойликлари атласини туздилар. Унда ер, сув, дарёлар, ерости сув манбалари ҳақида қимматли маълумотлар жамланган. Бундай атласларни кўплаб яратиш мумкин.

— Ўзбекистон болаларини коинот сирларига ўргатиш ҳақида нималар дейсиз?

— Жаҳонга Хоразмий, Беруний, Улуғбек сингари кўплаб алломаларни берган Ўзбекистонда ҳозир ёшларни техника билимларига ўқитиш ва ўргатишга етарли эътибор берилмаётир. Ана шу мақсадда Самарқанд шаҳрида Улуғбек номидаги болалар илмий-техника ижодиёти марказини ташкил этиш ҳаракатидамиз.

— Москвадаги «Звездний» шаҳарчасида ҳаёт қандай кечмоқда?

— Нимасини айтасиз, у ерда ҳам талай муаммолар бор. Уй-жой, болалар боғчалари етишмайди. Магазинлар тўкин эмас. Автомашина каби буюмларга ҳам навбат кутилади. Шунга қарамай, ҳаёт ўз измида давом этмоқда. Космонавтлар сафига ёшлар келиб қўшиляпти. Мутахассислар тиним билмай ишлашади. Австрия, Англия, Франция, Япония вакиллари турли парвозларга ҳозирлик кўришмоқда. СССР «Главкосмоси» хорижий корхоналар билан ҳар хил шартномалар тузмоқда.

— Космонавтика куни муносабати билан Москва атрофидаги музика мактабида мураббийлик қилаётган сизнинг умр йўлдошингиз Лилия Мунировна Жонибековага, қизларингиз Инна ва Ольгага ҳам газетхонларимизнинг байрам саломини етказсангиз.

— Раҳмат, албатта етказаман.

Суҳбатни А. ПЎЛАТОВ ёзиб олди.

* * *

Суҳбат охирида фазогир «Совет Ўзбекистони» ўқувчиларига қуйидаги истакни билдирди.



Читателям газеты «Совет Узбекистан» с пожеланием больших творческих успехов в делах, счастья, мира, благополучия, доброго лета жизни.

С уважением, летчик-космонавт СССР

В. Джанибеков.

• *Сўранг, жавоб берамиз*

Гагаринни «фаришталар» олиб кетгани ростми?

Муштарийлар йўллаган мактублар орасида шу мазмундаги хатни ўқиб, рости қизиқиб қолдим.

Ҳақиқатдан анчадан буён шундай гап-сўзлар бўлаётгани рост. «Комсомольская правда» газетаси бу ҳақда мақола ҳам эълон қилди. Жумладан мухбир Ю. А. Гагарин номли космонавтларни тайёрлаш маркази бошлиғининг биринчи муовини **А. Николаевга** шундай савол беради:

— Андриан Григорьевич, фалокат сабаблари ҳақида кўп ёзилган, афсуски комиссия аъзолари фожиа рўй берган жойда нимани кўрганликлари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Эҳтимол, шунинг ўзи миш-мишларни туғдиргандир. Самолёт қулаган жойда бўлганингизда учувчиларнинг бирор бир бўлагини кўргандирсиз?

— Излаш ҳарбийларга буюрилганди, уларнинг ихтиёрига вертолётлар ҳам берилганди. Бу ҳодиса оқшомда юз берган, самолёт ва уни бошқараётганларни топиш учун улкан майдонни кўздан кечириш зарур эди. Мен бўлсам Кириленко бошқарган дафн этиш комиссияси аъзоси эдим.

— Демак, сиз шахсан Гагариннинг жасадини кўрмагансиз-да?

— Жасад йўқ эди. Киржаг ёнидан учувчиларнинг қолдиқлари Москвага Бурденко номли госпиталга олиб келинди. Мен шу заҳоти ўша ерга отландим. Келдиму, хонага кирдим, бу ерда иккита мармар столда чойшаб билан ёпилган нимадир ётарди. Мен чойшабни очишни сўрадим.

— Унда сиз нимани кўрдингиз, Гагариннинг ҳалокатига ишондингизми?

— Албатта. Мен унинг юз тузилиши ва сочларидан билдим.

— Демак, биринчи космонавтимиз ҳалокати сири бошқача эмаслигини тасдиқламоқчисиз-да.

— Сир сирлигича қолмоқда. Экипаж ҳалокати сабаблари-чи? Давлат комиссиясининг хулосаларига эътибор беринг. Унинг сўнгги қисмида (хотирамда қолганича келтиряпман) экипаж бошқа нарса билан тўқнашгани ва экипаж ҳалок бўлганлигини қайд этади. Комиссия ҳалигача аниқ хулосага кела олгани йўқ.

«Комсомольская правда»дан).

КОИНОТ СИРЛАРИ

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Фазо техникаси кашшофларидан бири, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва СССР Давлат мукофотлари лауреати Валентин Глушконинг «СССРда космонавтика ва ракетасозликни ривожлантириш» номли рисоласи 1957 йилдан кейинги даврда космонавтикани ривожлантириш ва коинот сирларини ўрганишга бағишланган.

Муаллиф ўз китобида ўтган асрнинг охирларида иш бошлаган иқтидорли тадқиқотчи Николай Кибальчич, ракета учириш аппарати лойиҳасини яратган Александр Федоров, аэродинамика соҳасини ривожлантиришга катта улуш қўшган Николай Жуковский ва бошқалар ҳақида фахр билан ҳикоя қилади.

Бундан ташқари «Фазо академияси» номли китоб муаллифлари ўз ўқувчиларини космонавтлар тайёрлаш босқичлари билан таништиради.

«Интеркосмос» — ҳамкорлик тимсоли» деб номланган рисолада эса СССР ва Польша олимлари, фазогирларининг ўзаро ҳамкорлиги баён этилади. Ушбу китоб ҳар икки мамлакатнинг космик кенгликларни фан ва халқ хўжалиги манфаатлари нуқтаи назаридан ўрганиш юзасидан ташкил этилган «Интеркосмос» программасига бағишланган.

«СССР космонавтикаси» нашрида эса космонавтикаси Циалковскийдан тортиб, то бизнинг шу кунгача бўлган муҳим даври ёритилган. Унда учишни бошқариш марказининг тажрибалари, фазогирларни учишга тайёрлаш ва уларнинг жасорати жонли ифодаланган.

«СССР космогеологияси» рисоласида эса космогеологик харита изоҳлаб берилади.

Георгий Гонининг «Ерни фазодан тасвирга тушириш» рисоласида космик тасвирларнинг янги кўринишлари акс эттирилган. Унда тасвирнинг техник усуллари ва физик асослари изоҳлаб берилган.

Н. ТИЛЛАЕВА.

БОШҚАРМА МАБЛАҒИ ҲИСОБИДАН

Қарши шаҳридаги «Шўртангаз» микрорайонида китоб магазини қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Умумий фойдали майдони 576 квадрат метр бўлган бу магазин вилоятда ягона. Бино «Шўртангаз» газ конлари бошқармаси маблағи ҳисобидан барпо этилди. Унда ўзбек, рус, тожик, қозоқ, қрим татар ва бошқа тилларда чоп этилган бадиий, сиёсий ва техника адабиётлари билан савдо қилувчи бўлимлар ишлаяпти. Китоб дўконида омборхонадан ташқари сотувчилар учун дам олиш хонаси, буюртма қабул қилиш бурчаги ҳам бор.

К. МУСАЕВ.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК КОРЕЙСЛАР УЮШМАСИ

Нукусда Қорақалпоғистон АССРдаги совет корейслари маданият уюшмасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда устав қабул қилинди, уюшма правлениеси ва унинг кенгаши сайланди. А. С. Тюгай правление раиси бўлди.

Конференция иштирокчилари 1937 йилда Узоқ Шарқдан кўчириб келинган корейслар автоном республикада истиқомат қилаётган бошқа миллат вакиллари билан бирга ўлкани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшаётганликлари тўғрисида гапирдилар. Ҳозир Қорақалпоғистонда корейс миллатининг тўққиз мингдан зиёд вакили бор.

Айни пайтда корейс аҳолисининг тўпланиб қолган муаммолари узоқ вақтлардан буён ҳал этилмай келинаётган эди. Булар, хусусан, маориф, мулоқот, халқ ижодиёти соҳаларидаги муаммолардир. Фақат энди, жамиятимизни янгилаш давридагина ўз маданият уюшмасини ташкил қилиш имконияти пайдо бўлганлиги конференцияда таъкидланди.

Қабул қилинган уставга биноан, уюшма ўзини ўзи бошқариш асосида ишловчи кўнгилли жамоат ташкилоти ҳисобланади. Тарих ва тилни ўрганиш, миллий анъаналарни, урф-одатларни тиклаш уюшманинг мақсади ва вазифаларидир. Уюшма совет корейсларининг иқтисодиёт, фан ва маданиятнинг турли соҳаларидаги катта имкониятларини очишга, халқлар ўртасидаги дўстликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаб боришга ёрдамлашиши керак.

Уюшма корейс тилини ўрганиш юзасидан машғулотлар ташкил қилишни, концертлар, лекциялар ва бошқа маданий тадбирлар ўтказишни режалаштирган. Ўқув методик хоналари, кутубхоналар, қизиқишлар бўйича клублар, спортнинг миллий турлари билан шуғулланадиган секциялар ташкил этиш мўлжалланмоқда.

В. ЛУЦЕНКО,
ЎзТАГ мухбири.

НУКУС.

Футбол

«Пахтакор» футболчилари иккинчи учрашувни Бокуда «Нефтчи» командаси билан ўтказишди.

— Мавсум бошида қўш очко йўқотилиши яхши бўлмади, — деди команда тренери А. Толибжонов.—Лекин ютуқнинг ҳам, мағлубиятнинг ҳам ўзига хос сабаблари бўлади. Дастлабки учрашувда командада кучли составда майдонга тушган эди. Бу сафар пахтакорчилар Яновский, Тихонов, Билолов, Бондаренко, Денисов, Микляев, Пятницкий, Дегтев, Тиллаев, Шквирин ва Кабаевлардан иборат, составда ўйнадилар. Абдураимов ўйиндан чиқишга мажбур бўлди, Галеев, Қосимов, Шарипов лат еб, майдонга тушолмадилар. Шквирин, эса жарохатига қарамай, ҳаракат қилди. Ҳимоя ва ҳужум чизиқларининг бироз номутаносиблиги панд берди. Пахтакорчилар мухлисларни мамнун этолмай қолишди.

Навбатдаги турда «Нефтчи» учта жавобсиз тўп киритиш билан ғалаба қозонган бўлса, «Факел» Горкийнинг «Локомотив» командасини қабул қилиб (2:0), муваффақиятга эришди. «Геолог» футболчилари сафарда «Таврия» коллективини 1:0 ҳисобида енгишди. «Кубань» — «Кузбасс» учрашувида ҳам шундай ҳисоб қайд қилинди. «Зенит» ўз майдонида қайратчилардан (0:1) енгилди. «Тирас» — «Шинник» ўйини 1:1 ҳисобида тугади. «Нефтчи» 4 та очко билан олдинда бормоқда.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

профессор-ўқитувчилар составидаги ва илмий ходимлар ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: физика ва тупроқ мелиорацияси;
профессор: инглиз филологияси;
доцентлар: амалий статистика ва жараёнларни тадқиқ этиш, умумий механика (0,75 ставка), математика ўқитиш методикаси, атроф муҳит физикаси, партия-совет матбуоти назарияси ва амалиёти (2), телевидение ва радиоэшиттириш (2), мамъурий ва молиявий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи, геометрия ва топология (2), генетика, этнография, қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи, ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси, органик химия, эрон филологияси, афғон филологияси, Шарқ ҳорижий мамлакатлари тарихи, чет тилларни жадал ўргатиш усуллари, ядро физикаси ва космик нурлар, радиацион физика, назарий физика, факультетлараро — гуманитар факультетларда рус тили (фан номзоди), табиий факультетларда немис ҳамда француз тили, гуманитар факультетларнинг сиёсий тарихи умумий физика, социализм назарияси;
катта ўқитувчилар: математика ўқитиш методикаси, давлат ва ҳуқуқ тарихи, умуртқасиз ҳайвонлар зоологияси, чет эл адабиётшунослиги ва танқиди, органик химия, араб филологияси (2), афғон филологияси, умумий экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш (2), рус адабиёти, гуманитар факультетларда рус тили (2), социализм назарияси (факультетлараро);
ўқитувчилар: умумий экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, афғон филологияси, педагогика;
ассистент: органик химия;
Аҳоли жойлашуви проблемали лабораторияси мудири («демография» ихтисоси бўйича иқтисод фанлари номзоди); чўкма формациялар ва чўкма рудалар проблемали лабораториясига **катта илмий ходим, илмий ходим, кичик илмий ходим.** Эксперт-вақтинчалиқ — илмий меҳнат коллективига **етакчи илмий ходим, илмий ходим;** тупроқшунослик (давлат бюджети темаси бўйича), табиий факультетлардаги сиёсий иқтисод кафедраси қошидаги илмий тадқиқот группаси, аҳоли жойлашуви проблемали лабораторияси кичик илмий ходимлари,

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, 95-алоқа бўлими. В. И. Ленин номидаги ТошДУнинг маъмурий биноси, 6-қават, 63-хона, кадрлар бўлими. Телефон: 46-54-64.

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

профессор-ўқитувчилар составидаги вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: ўзбек тили (филология фанлари доктори), педагогика ва руҳият (педагогика фанлари доктори), техникавий таълим воситалари (филология ёки техника фанлари номзоди), жисмоний тарбия (фан номзоди).
доцентлар: ўзбек тили (2 ўрин филология фанлари номзоди), француз тили грамматикаси ва тарихи, немис тили лексикаси ва стилистикаси (2—филология фанлари номзодлари);
катта ўқитувчилар: кечки ва сиртқи факультетларнинг ижтимоий фанлари кафедраси (2), педагогика ва руҳият (2) — бири педагогика фанлари номзоди бўлиши шарт), сиёсий тарих (тарих фанлари номзоди), француз тили лексикаси ва стилистикаси (2 — бири филология фанлари номзоди), кечки ва сиртқи факультетларининг француз тили (2), махсус курслар учун чет тиллари (инглиз тили), жисмоний тарбия;
ўқитувчилар: умумий тилшунослик (араб тили), инглиз тили лексикологияси (2), испан тили (2), қуйи курслар учун инглиз тили лексикаси, тайёрлов бўлими учун тиллар (рус тили ва адабиёти).

КОНКУРС МУДДАТИ — 20 АПРЕЛГАЧА.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104-уй, кадрлар бўлими.

РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар составидаги

вакант вазифаларга КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

доцентлар: СССР халқлари адабиёти (2);
катта ўқитувчилар: СССР халқлари адабиёти (2), рус тилшунослиги (2).
Конкурс муддати — 16 апрелгача.
Манзилимиз: 700110, Тошкент шаҳри, Академик В. В. Решетов кўчаси, 4-уй. Телефон: 75-93-11.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

ХИМИЯ ИНСТИТУТИ

рангли ва нодир металлар лабораториясининг **кичик илмий ходими**

вакант вазифасига КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 17 апрелгача.

Мурожаат қилиш учун адрес: 700170, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 77-уй. Телефон: 62-75-61, илмий котиб.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/IV да **Гофман эртаклари**, 13/IV да **Тўмарис**, 14/IV да **Фауст** (18.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/IV да **Зебунисо**, 13/IV да **Тақдир эшиги**, 14/IV да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 12/IV да **Нурхон**, 13/IV да **Кампир нетармиш**, 14/IV да **Гул ва Наврўз.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/IV да **Гўзаллар ва миршаблар** (19.00), 13/IV да **Драма актёрлари куйлайди** (19.00, билетлар сотилган), 14/IV да **Майсаранинг иши, Фармонбиби аразлади** (17.00).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратининг партия ва касаба союз ташкилотлари Марказий Комитет масъул ходими Қ. Неъматовга онаси

Маъсуда СИДДИҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон телеқўрсатув ва радиоэшиттириш давлат комитети ходимлари жумҳурият радиоси болалар ва ўсмирлар учун эшиттиришлар Бош муҳарриятининг, муҳаррири Н. Каримовага отаси

Ғани РАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Жумҳурият қурилиш «Узкоопстроймонтаж» жамоаси Самарқанд вилояти ташкилоти бошлиғи А. Маруфовга онаси

Каромат МАРУФОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р.—04202. № 85. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12